


П. Қодирова
Д. Сайдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ

3



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ЖЕЛЕГИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Сөзү: *Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики*
Муз.: *Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку*

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырын колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө,
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Бийик сактап, урпактарга берели.

Кайырма:

П. Қодирова, Д. Сайдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек 2013

Академик М. Т. Мамасаидов тахрири остида

*Тақризчилар: филология фанлари доктори Муяссар Мирзоҳидова,
филология фанлари номзоди Дилфуза Абдуллаева.*

Қодирова П. в.б.

К 57 **Ўзбек тили: Умумтаълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик/
П. Қодирова, Д. Сайдуллаева - Б.: 2013.-136 б.**

ISBN 978-9967-31-093-3

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун “Дарсликлар яратиш маркази” томонидан тайёрланди. Дарслик хақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни “Марказ” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ҳш шаҳри,
Г. Айтиев кўчаси, 25

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



- қоида



- топшириқлар

К 43 06020300-13

УДК 373.167.1
ББК 81.2 У3-922

ISBN 978-9967-31-093-3

© П. Қодирова, Д. Сайдуллаева, 2013
© Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги, 2013
© Дарсликлар яратиш маркази, 2013

САЛОМ, МАКТАБ!



СЕНТЯБРЬ ТОНГИ

Сентябрнинг гўзал тонги,
Кийим кийган ҳамма янги.
Кенг ўлкамиз бўйлаб янграр
Хур ёшликнинг шўх оханги.

Хар ёқ байрам тусин олган,
Мактаб ундан хусн олган,
Севган Она-Ватанимиз
Дилимизга севинч солган.

Синфларни тўлдириб биз,
Парталарда ўтирибмиз,
Ёз хақида сўзлашамиз,
Болаларни кулдириб биз.

Сентябрнинг гўзал тонги,
Кийим кийган ҳамма янги.
Кенг ўлкамиз бўйлаб янграр
Хур ёшликнинг шўх оханги.

(Зафар Диёр)



ТАКРОРЛАШ

НУТҚ, ГАП, СЎЗ

1-машқ. Расмга қаранг.



Расм асосида ҳикоя тузинг. Ҳикоянгиз тўрт ва бешта гандан иборат бўлсин. Ҳикояга сарлавҳа топинг.

2-машқ. Кўчиринг. Гаплар бир-биридан қандай ажратилган? Гаплар нималардан тузилган?

Қишлоғимизда катта мактаб бор. Мактабимиз боғ яқинига жойлашган. Биз ўқишдан бўш пайтларимизда боғ-бонларга ёрдам берамиз.

Нутқ – бир бутун мазмунга эга бўлган гаплар тўпламидир.

Нутқ гаплардан, гап эса сўзлардан тузилади.

3-машк. Кўчиринг. Матнда нечта гап бор? Унга сарлавҳа топинг. Матни сўзлаб беринг.

Кишилар сўзлайдилар. Сўзлаш орқали бир-бирлари билан алоқа ўрнатадилар. Сўзлашни атрофдаги кишилардан, китоблардан ўрганамиз. Демак, нутқ, гап, сўз – бу одамларнинг алоқа воситасидир.

Сўзлашиш фақат инсонларга мансуб алоқадир.

4-машк. Ёзги таътилда қандай дам олганингиз ҳақида сўзлаб беринг.

5-машк. Ўқинг. Гапларнинг чегарасини аниқланг. Нуқтадан кейин бош ҳарф билан ёзишни унутманг.

МАКТАБ ҲОВЛИСИ

Мактабимиз ҳовлиси кенг ва катта бир томони – спорт майдончаси, бир томони – гулзор, гулзор атрофига ўриндиклар қўйилган гулзорга атиргул, карнайгул, гулбеор, итоғиз, гултожихўроз, гулсафсар ва бошқа хил гуллар экилган гулларни ўқувчилар парвариш қиладилар.



Матнда нечта гап бор?

6-машк. Ўқинг. Матнда нечта гап бор?

МОҲИР ҚўЛЛАР

Мактабимизда «Моҳир қўллар» тўғараги бор мен ҳам шу тўғаракка қатнашаман тўғаракда биз бичиш-тикиш ишларини ва кашта тикишни ўрганиямиз мен кашта тикишни ўрганиб олдим сиз қандай тўғаракка қатнашяпсиз унда нималар ўрганияпсизлар.



Кўчиринг. Ҳар бир гапни бош ҳарф билан бошлашни ва охирига керакли тинчи белгиларини қўйишни унутманг.

7-машқ. Ўқинг.

1. Гап тугалланган фикрни билдиради.
2. Гапда сўзлар маъно жиҳатидан бир-бири билан боғланади.
3. Гап охирига мазмунига кўра нукта, сўроқ ёки ундов белгиси қўйилади.
4. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади.



Гап ҳақида билганларингизни китобга қарамай сўзлаб беринг.

8-машқ. Топишмоқларни ўқинг, жавобларини айтинг.

Тунда кўриб чўғ дейсан,
Тонгда кўриб йўқ дейсан.

Бўлар сариқ ё қизил,
Ер тагида етилар.
Тупида якка ҳосил,
Сочи яшил селкиллар.



*Топишмоқларни жавоби билан ёзинг.
Жавобингизни китоб охиридаги лугатдан текширинг.*

9-машқ. Матнни ўқинг, мазмунини сўзлаб беринг.

КЎРИҚЧИ

Бободехқон оқжўхори экди. У бекамуқўст, бўлиб ўсди. Оқжўхори ҳосилга кирганда, гала-гала чумчуқ хуруж килди. Бободехқон қараб турмади, хийла ўйлаб қолди: эски камзулни ёғочга киргизиб, жўхоризорнинг ўртасига «кўриқчи» қилиб қўйди.

Бободехқон хотиржам бўлиб, жўхоризорга қиё боқмай юрди ... Бир куни жўхоризор оралаб, ногаҳон «кўриқчи»

нинг рўпарасидан чиқиб қолди. Аллақандай куш полапонларининг қий-чуви кулоғига чалинди. Бободехқон беихтиёр «кўриқчи» нинг чўнтагига кўз ташлади. Бир тутам ҳас тўшалган чўнтакда чумчуқ полапонлари сап-сарик тумшукларини каппа-каппа очиб ётар эди. Алданган бободехқон захрини ичига ютиб, мийиғида кулиб қўйди.



Матндаги 1, 3, 4-гапларни кўчириб ёзинг.



Матн – бир-бири билан боғланган гаплар йиғиндиси. Матн – нутқнинг ёзма шакли. Матнга сарлавҳа топиш мумкин.

10-машқ. Чап ва ўнг томондаги гапларни қиёсланг. Қайси устунда алоҳида-алоҳида гаплар, қайси устунда матн берилган?

Ўқувчилар саёхатга
бордилар. Биз китобни
севамиз. Мен ёзда
кишлоққа бордим.

Куз келди. Боғда
турли мевалар пишди.
Табиат бизга кўп
нарсаларни ҳадя этди.



Матини кўчиринг, сарлавҳа топинг.

11-машқ. «Уй ишларига ёрдам» мавзусида 5-6 гапдан иборат матн тузиб ёзинг.

12-машқ. Ўқинг.

Кўчада бир аёл саватда олма кўтариб борарди. Саватдаги олмалардан бири ерга тушиб қолди. Аёл буни сезмади. Аёлнинг орқасидан келаётган бола уни секингина олиб,

чўнтагига солди. У аёлнинг ёнидан ўтиб кетаётган эди, аёл уни тўхтатиб, саватдаги олмадан бирини унга узатди. Бола уялди, олмани олмади. Унинг чўнтагидаги олма олов бўлиб танасини куйдираётгандек бўлди. У чўнтагидаги олмани олиб, саватга ташлади ва югуриб кетди.

Аёл олмани узатганича хайрон бўлиб, унинг орқасидан қараб қолди. Бола уйига келиб, роса йиғлади.



Бола уйга келиб нега йиғлади? Матнга сарлавҳа танланг, сизга ёққан гапларни кўчириб ёзинг.

13-машқ. Шеърни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг урғули бўғинини белгиланг.

ЭРКИН БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ



Лўппи, дўндик **қўзичоқ**
Эркинга қалин **ўртоқ**.
Икки кўзи **қуралай**,
Ярқираган **тугдай**.
Юнги майин жингалак,
Пешанаси дўнгалак.

14-машқ. Расмни кузатинг. Унда йилнинг қайси фасли тасвирланганини сўзлаб беринг.

Осмонда булутлар сузиб юрибди. Дарахтларнинг барглари яшил, сариқ ва кизғиш рангда товланади. Шохдан-шоҳга учиб юрган сайроқи кушлар кўринмайди. Боғлар хувиллаб қолган. Деҳқонлар кузги ҳосилни тезроқ йиғиб олишга шошиляптилар.



Матнга сарлавҳа қўйиб кўчиринг.



15-машқ. Шеърни ўқинг, сўзларни бўғинга ажратиб ёзинг.

Муаллим – етакчи, раҳнамо, устоз
Ҳар орзу, ҳар тилак, ҳар бир хоҳишга.
У берар доимо оқлга пардоз,
Берар у йўлланма ҳаётга, ишга.

(Ў. Рашид)



Кўчиринг. Шеърни ёддан ёзишига тайёрланинг.

16-машқ. Тушириб қолдирилган ҳарфларни ўрнига қўйиб кўчиринг. Ҳар бир сўзга сўрок беринг.

Н...вбатчи, ишл...япти, ш...рин, ш...фтоли, киз...л,
сўзл...япти, к...тта, боғб...н, к...йлаяпти, май...н, ёз...вчи, ч...
лак, к...нг, б...ла, ухл...ди, г...л.

17-машк. Сўзларни ўқинг ва уларнинг ҳар бирига сўрок беринг. *Ким?*, *нима?* сўроғига жавоб бўлган сўзларни 1-устунга, *қандай?*, *қанақа?* сўроғига жавоб бўлган сўзларни 2-устунга, *нима қилди?*, *нима қиляпти?* сўроғига жавоб бўлган сўзларни 3-устунга ёзинг.

Мақтаб, яшил, бошляпти, ишчи, ёзди, баланд, тоғ, ўйна-япти, гўзал, аччиқ, тикувчи, куйлади, қизиқ, пахта, терди, ўкувчи, ўқияпти, гулзор, хирмон, кичик.

18-машк. Сўроқлар ўрнига сўзлардан мосини қўйиб кўчиринг.

(*Қандай?*) шаҳар, (*қанақа?*) айиқ, (*қандай?*) шамол, (*қанақа?*) йўл, (*қандай?*) гармдори, (*қанақа?*) каптар, (*қандай?*) кўзичок, (*қандай?*) осмон, (*қандай?*) дарахт, (*қандай?*) сув.

Қўйиш учун сўзлар: *кучли, катта, кенг, аччиқ, қўнгироқ, кўм-кўк, тиниқ, барра.*

19-машк. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Матн нима? У нималардан тузилади?
2. Гап нима? Гап нималардан тузилади?
3. *Ким?*, *нима?* сўроқлари қандай сўзларга берилади?
4. *Қандай?*, *қанақа?* сўроқларига жавоб бўладиган сўзларни топиб айтинг.
5. *Нима қилди?*, *нима қиляпти?*, *нима қилади?* сўроқлари қандай сўзларга берилади?

20-машк. 4 та гап тузинг. Тузган гапларингиздаги эганинг тагига бир чизик, кесимнинг тагига икки чизик чизинг.

УНЛИ ТОВУШЛАР



Унли товушларни талаффуз қилганимизда, ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсикка учрамасдан чиқади.

Унли товушлар фақат ун – овоздан ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида 10 та унли товуш бор: *а, о, и, э, у, ў, е, ё, ю, я.*

21-машқ. Сўзларни ўқинг. Ҳар икки сўзни маъно жиҳатидан фарклашга қайси унли ёки ундош ёрдам бераётганини айтинг. Шуларнинг тагига чизиб ёзинг.

1. Тош - тиш, бол - бўл, боғ - буғ, бўр - бур, тўн - тун, бир - бор, стол - стул.

2. Болға - болта, бурда - бурма, беш - бет, газ - гап, жой - чой, ёй - ёғ.

22-машқ. Шеърни ўқинг. Унли ҳарфларнинг тагига чизинг.

Она каби мактабнинг

Иссиқ бағри, сеҳри бор.

Магнит мисол тортувчи

Мактабжоннинг меҳри бор.

Болаларни шу меҳр

Тортар доим ўзига.

Илм ва фан дунёсин

Кўрсатади кўзига

23-машқ. Нуқталар ўрнига а ёки о унлиларидан мосини қўйиб сўзларни кўчиринг.

Б...хо, ахв...л, б...хор, д...фт...р, ҳ...во, қ...храм...н, Ғ...либ..., қ...лди, б...ла, мард...на, сав...л, м...ъно.

24-машқ. Кўчиринг. э харфи бор сўзларни биринчи устунга, е харфи бор сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Эл, экин, этак, бел, ер, элак, елка, эчки, етмиш, эртақ, бер, келди, эшик, кема.

25-машқ. Расмга қараб ҳикоя тузинг.



26-машқ. Кўчиринг. ё, ю, я, ҳарфлари қатнашган сўзларнинг ёзилишини эсингизда тутинг.

Юрт, юз, ёз, юк, якин, яхши, ёмон, июль, куёш, дунё, дарё, пиёз, сентябрь, костюм.

27-машқ. Сўзларни кўчиринг, унли ҳарфлар тагига чизинг.

Елпиғич, ёмғир, телефон, январь, беҳи, етти, хирмон, ҳалол, металл, пиёла, революция, юпқа, юмуш.



Нечта унли ҳарф бор? Унли товуш-чи?

28-машқ. Матнни ўқинг. Унли ҳарфлар тагига чизинг.

Ақлли бола китобларини кир қилмайди. Уларнинг бети-га ёзмайди, тоза саклайди. Нарса талашиб ўртоқлари билан урушмайди. Кишилар олдида одоб билан ўтиради. Катта кишилар суҳбатига аралашмайди.

29-машқ. Нуқталар ўрнига **и**, **е** унлиларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг, шу сўзлардаги **и** ва **е** унлиларининг айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.

М...хнаткаш, с...ёҳдон, п...ёла, адр...с, д...ректор, м...роб, м...хр, мехр...бон, м...тти, м...сол, л...ксика, в...ждон.

30-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзлар иштирокида гап тузинг ва ёзинг. Ёзган гапларингизда иштирок этган унлиларнинг талаффузи ва ёзилишини тушунтиринг.

Ихтиёр, тайёр, парашют, аёл, самолёт, етмиш, ёлка, мехмон, чехра, юлдуз, уюшма, июль, буюк, октябрь, ягона.


31-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғин кўчириш қондасига асосланиб чизикча билан ёзинг.

Қўшиқ билан тонг отди,
Тонгни қушлар уйғотди,
Биз терамиз гул, жамбил,
Яшасин шўх ансамбль!

32-машқ. Тез айтишлар тўғри талаффузни ўрганишга ёрдам беради. Ҳар бир тез айтишни товушларнинг талаффузида хатога йўл қўймасдан, уч-тўрт марта аввал секин, кейин одатдаги тезликда ўқинг.

1. Содик сарик қалам билан сарик ковок расмини солди.
2. Тяншан тоғининг тагида тариллаб турган тракторнинг товуши тўрт томонга тарқалиб турибди. 3. Мош тошсизмиш, тошсиз мошмиш.

УНДОШ ТОВУШЛАР

 Ундош товушларни ҳосил қилишда ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учрайди ва у тўсиқлардан ўтиши натижасида шовқин ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам ундош товушларнинг ҳаммасида шовқин эшитилади.

33-машқ. Мақолларни ўқинг. Ундош товушларнинг тагига чизинг.

Китоб – билим манбаи. Китобдан яхши дўст йўқ. Билим бахт келтирар. Илм олиш игна билан қудуқ қазिश демакдир.

34-машқ. Биргина товуш билан фарқ қиладиган сўзларни топинг ва уларни ёнма-ён ёзинг.

Шўра, тонг, бўз, сотмоқ, ботмоқ, жўра, бонг, солмоқ, кўз, тотмоқ, кўра, байт, тўз, ғўра, пайт, чўз.

35-машқ. Сўзларни бўғин кўчириш қондасига мувофиқ бўлақларга ажратиб, чиқиқча билан ёзинг. Ҳар бир бўғин нечта харф ва товушдан тузилганини айтинг.

Аранг, ангишвона, кинофильм, сўнги, тангачасимон, шеърият, гижжак, кўнгилчан, тингловчи, қуёш, гўёки, машъал, шаҳар, янглишди.

36-машқ. Тушириб қолдирилган ундошларни ўз ўрнига қўйиб, сўзларни кўчиринг. Айтилишини ва ёзилишини тушунтиринг.

Макта..., обо..., беада..., дарома..., зумра..., чойша..., мақса..., инсо..., рубо..., ҳисо..., исро..., фило..., син..., шогир..., макту..., авло..., кассо... .

37-машк. Сўзларни ўқинг. *ж* товуши қатнашган сўзларни талаффузига қараб икки устунга ёзинг.

Жадвал, аждар, ажрик, жемпер, жумла, жирафа, жанговар, анжир, журналист, ижозат, жавоб, ажабланмоқ, жасур, гижда, режим, режа.

38-машк. Нукталар ўрнига тушириб қолдирилган *х* ва *ҳ* харфларидан мосини кўйиб кўчириг.

...авас, ...абар, ...аёт, ...айвон, ...арита, ...аётба...ш, ...айкал, ...ажм, ...ирмон, гиё..., сайё..., шў..., дастго..., сершо..., ...исобот.

39-машк. Топишмоқдаги сўзларни ўқинг. Нечта товуш ва нечта харф бор?

Товуқ десам пати йўқ,
Оёқ-кўл, каноти йўқ.
Минг-минглаб очар жўжа,
Буни топинг, Холхўжа.

Қайси сўзларда товуш сони кўп, қайси сўзларда харф сони кўп?

40-машк. Сўзларни ўқинг. Икки товуш билдирган харфларнинг тагига чизинг.

Йиғим, бийрон, зийрак, кўйлак, ёзув, юмшоқ, ялпиз, яйра, суюнчи, елкан, елим, кўён, яхши, ютуқ, янтоқ, пиёз, хикоя, ёнғоқ.

41-машк. Ўқинг. Жарангли ундош билан бошланган сўзларни бир устунга, жарангсиз ундош билан бошланган сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Зийрак, из, бакир, сийрак, пакир, ис, йиғилди, март, йиқилди, оз, мард, олди, жим, қарз, олти, қарс, чим, жой, тил, кул, чой, дил, гул.

42-машқ. *n* ва *ф* ундошли сўзларни саралаб икки устунга ёзинг.

Пилла, синф, Попук, вазифа, дафтар, копток, пиёз, синф, фаввора, Фарида, танаффус, парта.

43-машқ. Кўчиринг. Жарангли ундош товушларнинг тагига чизинг.

ГУЛТУМОР

Гултумор жуда-жуда чанқади. Иссиқ шамол юзига бетиним уриларди. Томоғини какратиб юборди. Шу пайт унинг оёқ остидан алланарса ўтиб қолди. Юмронқозик экан. У мунчоқдек кўзларини жавдиратарди.

Қизчага қараб чийилларди. Гултуморнинг раҳми келди.

(Т. Қосимова)

44-машқ. Кетма-кет келган бир хил ундошли сўз иштирок этган гапларни кўчириб ёзинг.

БИЗНИНГ СИНФ

Синфимиз ёруғ. Иккита катта деразаси бор. Эшиги икки табақали. Деворда бобомиз Алишер Навоийнинг сурати бор. Синфимизга ўн иккита парта қўйилган. Партада иккитадан ўтирамыз. Танаффусда навбатчи синфни шамоллатади. Биз ховлида ўйнаймиз.

45-машқ. Нуқталар ўрнига *x* ва *ҳ* ундошларидан зарурини қўйиб, мақолларни кўчиринг.

Арининг за...рини чекмаган болнинг кадрини билмас. Ба...илнинг боғи кўкармас. ...алқ бор ерда ...аклик бор. Ер ...айдасанг куз ...айда, куз ...айдамасанг, юз ...айда.

46-машқ. Нуқталар ўрнига зарур ундошларни қўйиб, сўз-

ларни кўчиринг. Айтилиши ва ёзилишида фарқ киладиган ундошларнинг тагига чизинг.

Обо..., озо..., фарзан..., саво..., дарома..., балан..., авло..., хунарман..., шогир..., дўс..., жуф..., заво... .

47-машк. Нукталар ўрнига *x* ва *ҳ* ундошларининг зарурини қўйиб, сўзларни кўчиринг.

Му...бир, фа...р, ...ато, ...атто, ...азон, ...небон, ...ўроз, ...алол, ...ашарот, ...овуз, чошго..., су...бат.

48-машк. Нукталар ўрнига айириш ва юмшатиш белгиларидан мосини қўйиб сўзларни кўчиринг.

Да...во, та...риф, та...на, мў...табар, фил...м, мў...жиза, сан...ат, қал...а, кон...ки, фе...л, сур...ат.

ГАП



Гап тугалланган мазмун англатади.
Гап бир ёки бир нечта сўздан тузилади.
Гап охирида овоз пасаяди.

49-машк. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг охирида овозингизни пасайтиринг.

Куз келди. Далаларда кузги ишлар бошланди. Дарахтларнинг барглари тўкилди. Қушлар иссиқ томонларга учиб кетди.

50-машк. Берилган сўзлардан гаплар тузиб ёзинг.

Биз, тинчлик, дунёда, истаймиз, бўлишини. Мактабимизда, тўгараги, ишлаб, «Моҳир қўллар», турибди. Йиғиб, олдилар, ҳосилни, мўл, ғаллакорлар. Механизаторлар, пахталарни, оппок, тераётирлар, машинада.

51-машқ. Гапларнинг чегарасини аниқланг. Тиниш белгиларини қўйиб, матни кўчиринг. Ҳар бир гапнинг биринчи сўзини бош ҳарф билан бошлашни унутманг.

Афанди кетаётиб бир тўп болалар ўйнаб турган жойдан чиқиб қолди у болаларни бир синамоқ учун уларнинг олди-га бориб:

– болалар, мана шу кўча бошида ёнғоқ қоқияпти, - деди. Болалар дув этиб ўша томонга чошиб кетишди, афанди бўлса:

– мен ҳам ёнғоқдан қолмай деб болаларнинг орқасидан югура кетди.

52-машқ. Матни ўқинг. Ҳар бир гапнинг охирида овозингизни пасайтиринг ва пауза қилинг. Гапларнинг чегарасини аниқланг.

Ота ўғилларига тотувликда яшашни буюрибди. Улар кулоқ солишмабди. Шундан кейин у супурги олиб келишни, буюрибди:

– Синдиришлар.

Улар қанча уринмасин, синдиришолмабди ана ундан кейин отаси супургининг боғини ечиб, ҳар бир новдани битта-биттадан синдиришни буюрибди улар новдаларнинг ҳаммасини битта-битталаб синдиришибди ота уларга насихатини айтибди:

– Сизлар ҳам бамисоли шундайсизлар, агар тотувликда яшасанглар, ҳеч ким сизларга бас келолмайди; доим бир-бирларинг билан ғижиллашиб, ораларинг ола бўлса, сизларни ҳар қандай одам ҳам осонгина ҳалок қилади.

(Л. Толстой)



Матндаги сизга ёққан учта гапни кўчириб ёзинг.

53-машқ. Берилган сўзлардан гаплар тузинг.

Куз, пишган, ғарқ, мевалар, йиғим-терим, далаларда, қизиган, ишлари, очилган, қийғос, пахталар, пахталарни, оппоқ, завқ, билан, **теримчилар**, илғор, термоқдалар.



Тузган гапларингизни ёзинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўгин кўчириш қондасига мувофиқ бўлакларга ажратиб айтинг.

54-машқ. Расмларни ўрнига қўйиб эртакни ёзинг. Эртакка сарлавҳа қўйинг.





Гаплар хабар, сўрок, буйруқ, маслаҳат, илтимос, насихат ва ҳис-ҳаяжонни ифодалайди.

55-машқ. Гапларни ўқинг. Қайси гап хабарни, қайси гап сўрокни, қайси гап илтимосни ифодалаганини тушунтиринг.

...Одамзод қизик, пули ё буюми йўқолса, қайғуради, изтироб чекади, аммо тилладан қимматроқ вақти бекор ўтса, парвойи палак. Дилдора, сен қандай гулларни яхши кўрасан? Сўзлаганингизда кўлингизни кўтарманг.

56-машқ. Ўқинг. Хабар мазмунини билдирган гапларни кўчириб ёзинг.

Комила ўртоғи Малоҳат билан бирга дарс тайёрлайди. Бу болаларни шундай гўзал тарбия қилган ота-она ва муаллимларига раҳмат! Болалар шоирларидан қимларни биласиз? Қишлоқлар янада яшнамоқда. Аъзам тўғарақда самолёт моделини ясашни ўрганди.

57-машқ. Шеърни ўқинг, нечта гап борлигини, ҳар бир гап нечта сўздан тузилганини айтинг.

Уй ичимиз билан шу кеча
Ухламадик оппоқ тонггача
Бизда кўнғир сугир бор эди,
Соғ-саломат кўзи ёриди.
Ола бузоқ, кашкаси ҳам бор,
Усти қора, бағри оппоқ қор.

58-машқ. Гапларнинг чегарасини оҳангига қараб аниқланг. Тиниш белгиларини кўйиб гапларни кўчиринг.

Биз дунёда тинчлик бўлишини истаймиз билим манбаи бўлган китобни севинг сиз Қуддус Муҳаммадийнинг «Жуда қизик, жуда чиройли» китобини ўқиганмисиз ўқувчилар


саёҳатга бордилар бугунги ишни эртага кўйма ватан - она сўзи нақадар лазиз.

59-машқ. Ўқинг. Ҳикояни давом эттириб ёзинг ва унга сарлавҳа кўйинг.

Кузда мевалар фарқ пишади. Сабзавотлар яхши етилади. Оппоқ пахталар кийғос очилади. Далаларда йиғим-терим ишлари кизиб кетади

60-машқ. Гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беринг. Эга ва кесим нима учун гапнинг асоси эканини тушунтиринг.

Далаларда оппоқ пахталар кийғос очилди.




61-машқ. Расмга қаранг. Сарлавҳа кўйинг.

Қайси фасл келди?
Боғда нималар пишди?
Болалар нима қиляптилар?
Дехқонлар терилган олмаларни нима қиладилар?



Саволларга жавоб беринг. Жавоблар қандай гаплардан иборат бўлиши мумкин?

ГАПНИНГ МАҚСАДГА КЎРА ТУРЛАРИ

 Гаплар мақсадга кўра уч хил бўлади: дарак гап, сўроқ гап ва буйруқ гап.

62-машқ. Ўқинг. Қайси гап хабарни, қайси гап сўроқни ва қайси бири маслаҳат, илтимосни билдираётганини айтинг.

Оламни куёш, инсонни илм ёритади. Ўқувчилар эртага қаерга борадилар? Сўзловчининг гапини бўлманг, охиригача эшитинг. Билиминг осмонга етган бўлса ҳам, бошқалар илмига кулоқ сол ҳар дам.

ДАРАК ГАП


 Хабар, дарак мазмунини билдирган гаплар дарак гап дейилади.

Дарак гап охирига ёзувда нукта (.) қўйилади.
Мен китоб ўқидим.

63-машқ. Ўқинг. Ҳикояда нечта гап борлигини айтинг.

ОНА ТОВУҚ

Она товуқ жўжалари билан донлаб юрибди у лочин келишидан хавфсирайди ва тез-тез осмонга қараб қўяди лочин тўсатдан сездирмай келиб қолиши мумкин-да у жўжаларини шундай кўриқлайди.

 *Ҳар бир гапдан сўнг нукта қўйиб кўчиринг. Ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланишини унутманг.*

64-машқ. Ўқинг. Ҳар бир дарак гапнинг охирига нукта қўйиб кўчиринг.

КАПАЛАК

Даврон гулзорда ўйнаб юрган эди гулга капалак кўнди Даврон капалакни тутмоқчи бўлди капалак гулдан учиб кетди у бошқа гулга кўнди Даврон капалакни тутиб олди.



65-машқ. Шеърни ўқинг.

Осмон тиник, ҳаволар енгил.
Кўшик айтиб учар қушчалар.
Тегра ёқда эсиб ўйнар ел,
Севинчимиз тобора ортар.

66-машқ. Ўқинг. Матнда нечта гап борлигини аниқланг. Кўчириб ёзинг.

САРИК ГИЛОС

Сомон сувоқли томимизнинг орқасида шу томга тарвақайлаб ўсган улкан гилос бор эди. У сарик гилос эди. Шохлари доим кўнғир тусда атласдай ялтираб, эски пўстлари кўчиб ётарди. Биз гилос устида ўйнашни, шохдан-шоҳга осилишни яхши кўрардик.

67-машқ. Расмларга мос гаплар тузиб ёзинг.



СЎРОҚ ГАП



Сўроқ мазмунини билдирган гаплар сўроқ гап дейилади. Сўроқ гапнинг охирига ёзувда сўроқ белгиси (?) қўйилади.

Ўқувчилар қаерга борадилар?

68-машқ. Ўқинг. Сўроқ гапларни аниқланг.

СИЧҚОН

– Ака, нега очикда
сичқон яйраб юролмас?

Одамларнинг ёнига
эркаланиб келолмас?

– Ҳайрон бўлма, сингилжон,
сичқон текин ошайди.

Шу важдан у ҳамиша
хавотирда яшайди...

(У. Қурбонов)

69-машқ. Ўқинг. Гапларнинг чегарасини аниқланг ва уларнинг мақсадга кўра турини айтинг.

Куз қайси ойдан бошланади кузда қушлар қаерларга учиб кетади кузда нималар пишади куздан кейин қайси фасл бошланади кузда қушлар иссиқ томонларга учиб кетади кузда мевалар пишади куздан кейин қиш бошланади.

Сўроқ гапларга мос дарак гапларни топиб бирликда кўчиринг. Дарак гапларнинг охирига нуқта, сўроқ гапларнинг охирига сўроқ белгисини қўйинг.

70-машқ. Ўқинг. Дарак гапларга мос сўрок гаплар тузиб ёзинг.

ҚАШҚА

Каримнинг сигири бузоқча туғди. Бузоқча қоп-қора. Қулоқлари дикқайган. Пешонасида оқи бор. Карим унга Қашқа деб ном кўйди. Карим Қашқани ўт, сув бериб боқди. Дарсдан сўнг уни ўтлатгани олиб чиқди. Қашқанинг оппоқ пешонасини силаб эркалади. Қашқа ҳам Каримни яхши кўради. У Каримнинг кетидан сакраб-сакраб чопади. Каримга эркаланади.



71-машқ. Топишмоқларни ўқинг. Жавобини ёзинг.

Оқ кийинган далалар,
Бу – қандай фасл?
Қор ўйнайди болалар,
Бу – қандай фасл?

Сойлар тўлиб оқади,
Қирлар чечак такади,
Хушбўй хидлар сочади,
Бу – қандай фасл?

Топишмоқ қандай гаплардан тузилган?

72-машқ. Ўқинг. Дарак гапларни сўроқ гапларга айлантириб ёзинг.

ТУЛКИ



Тулки – ёввойи хайвон. У тоғ, тўқай ва ўрмонларда яшайди. Тулки кўпинча кечаси ов қилади. У сичқон, куён ва паррандаларни ейди. Баъзан меваларни ҳам хуш кўради.

73-машқ. Гапнинг мазмунига мос тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Али, қайси шамол учирди сени Кечкурун Қобил бобо аминнинг олдига бормоқчи бўлди Сен космонавт бўл-моқчимисан Улар дарахт остида салкинда ўтиришди Даданг қаерга бориб келганини айтиб берайми.

74-машқ. Ҳар бир расмга мос саволлар тузиб ёзинг.



75-машқ. Ўқинг. Керакли ўринларга сўроқ белгисини қўйиб ёзинг. Нима учун сўроқ белгиси қўйганингизни изоҳланг.

Бобосига Бехзодбек
Минг хил савол топади
–Нега сувлар шошилиб,
Бир томонга оқади
–Нега пишгач қалампир
Қип-қизариб кетади
Қайдан келиб шамоллар

Учиб қайга кетади
Қуш учса ҳар томонга
Нима таянч бўлади
Бобоси ҳам билолмай
Хаёл суриб қолади.
Ҳар ким ўйлаб ва қандай
Жавоб топа олади.

(Ж. Қурашев)

76-машқ. «Жумбоқ саволлар» шеърини ёддан ёзишга ҳаракат килинг.

САВОЛ – ЖАВОБ

Учраб қолди
Бургут ва қаптар,
Бир-биридан
Ҳол-аҳвол сўрар.

–Нима гап тоғда?
–Тинчлик тоғларда!
–Нима гап боғда?
–Тинчлик боғларда!

(Х. Раҳмат)

77-машқ. Матнини ўқинг.

КУЧУКЧАМ

Узоқдан кучукчанинг инграган овози эшитилди. Мен унга яқинлашдим. Ола-була чиройлигина кучукча йўлка четида ётган экан. У ўрнидан қимирламас эди.

Менинг кўзим унинг оёғига тушди. Унинг чап оёғидан қон оқаётган эди. Бирор бола тош билан уриб ярадор



қилган бўлса керак, – деб ўйлаб, авайлаб қўлимга олдим.
Чап оёғи бутунлай қимирламас эди.

Унинг пешонаси ва оёқларидан силаб, эркаладим. Кучукча инграшдан тўхтади. Мен уни уйга олиб келдим. Бир неча кун парвариш қилдим. Кучукча менга ўрганиб қолди. Ҳозир қаёққа борсам, орқамдан эргашиб юради.



Болага исм қўйинг. Қуйидаги режа асосида баён ёзинг.

РЕЖА:

1. Инграган овоз эшитилди.
2. Кучукчага кўрсатилган меҳрибонлик.
3. Кучукча эгасига ўрганиб қолди.

БУЙРУҚ ГАП

Буйруқ, маслаҳат, илтимос мазмунини билдирган гаплар буйруқ гап дейилади.

Буйруқ гапнинг охирига ёзувда нуқта (.) ёки ундов белгиси (!) қўйилади.

78-машқ. Буйруқ гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бошқа сўзларга нисбатан кучли овоз билан талаффуз қилинг.

1. Аккли бўл, бўлгин безиён,
Ҳамиша тилингга бўлгин посбон.

(А. Фирдавсий)

2. Ёмон кунга қўйма, ўртоқжон,
Токи йиғиб олайн дармон!

(И. А. Крылов)

3. Қани, Дўсматов, тур ўрнингдан!

4. Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.

79-машқ. Мақолларни ўқинг. Маслаҳатни билдирган гапларни кўчириб ёзинг.

Аввал ўйла, кейин сўйла. Етти ўлчаб, бир кес. Чин дўст бошга иш тушганда билинар. Дўстинг билан сирдош бўл, қилган ишига қўлдош бўл. Мехнатдан дўст ортар, ғийбатдан душман. Ёлфон-яшиқ гапирма, уятга қолиб турма.

80-машқ. Илтимос мазмунини билдирган буйруқ гапга мисол тузиб ёзинг.

Намуна: Қишлоғимизга бир келиб кетинг.

81-машқ. Шеърни ёддан ёзишга тайёрланинг.

ГҲТ

Мени дерлар
Қора тут.
Шошмай,
Битта-битта ют.
Солсанг
Коса чиннига,
Айланаман
Шиннига

Япроқларим
Тилладир,
Тонна-тонна
Пилладир.
Ўзимда туриб
ипак,
Қишда қолдим
Бекўйлак.

(Д. Матжон)

82-машқ. Буйруқ гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бошқа сўзларга нисбатан кучли овоз билан талаффуз қилинг.

Пахта терсанг тоза **тер**, чаноғида қолмасин. (*Қўшиқдан*)
Малика, менга дарс жадвалингни бериб тур. Агар сизнинг гапингизни бўлсалар, у кишига қаттиқ **гапирманг**, тинчланинг ва унинг эътирозини **эшитинг**. Сўзловчининг гапини **бўлманг**, охиригача **эшитинг**.

83-машқ. Буйруқ гапларни кўчиринг. Ёзувда буйруқ гаплар охирига қўйиладиган тиниш белгиларини тушунтиринг.

Қаршимда жамоа бош чўпони Мавлон аканинг ўғли Яшин кулиб турарди. Йўловчи, кудукдан сув олиб ичганингда, шу гул тагига бир пиёла сув куй! Эртага сени ҳам гуллар кўригига олиб бораман. Йўлчи, юр, ука, менга ҳамроҳ бўл!

84-машқ. Берилган феълларни қатнаштириб, буйруқ ва дарак гаплар тузинг. Учта буйруқ гапга ва учта дарак гапга мисол ёзинг.

Гаплашмайди, гаплашманг, гаплашмасин; ёрдамлашади, ёрдамлашинг, ёрдамлашсин; тайёрлайди, тайёрланг, тайёрласин; кечикмайди, кечикманг, кечикмасин.

85-машқ. Мақолларни ўқинг. Аввал буйруқ гапларни, кейин дарак гапларни кўчиринг.

Бугунги ишни эртага қўйма. Қолган ишга кор ёғар. Ҳалол иш – лаззатли емиш. Иш сени енгмасин, сен ишни енг. Бирни кессанг, ўрни эк. Бирлашган ёвни қайтарар. Олим бўлсанг, олам сеники.



Мақолларни ёдланг.

86-машк. Дарак, сўроқ ва буйрук гапларга 2 тадан мисол ёзинг.

УНДОВ ГАП



Ҳис - ҳаяжон билан айтиладиган гаплар ундов гап дейилади. Оғзаки нутқда ундов гаплар кучли оҳанг билан айтилади. Ёзувда ундов гапларнинг охирига ундов белгиси (!) қўйилади.

87-машк. Куйидаги гапларни кучли оҳанг билан ўқинг.

1. Ватан - она сўзи нақадар лазиз!

Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз! *(Ҳўеун)*

2. Баракали меҳнатдан сўнг роҳатланиб дам олиш қандай завқли! Яшасин жонажон Ватанимиз. Қаҳрамонлар мангу яшайди! Нақадар гўзал ойдин кеча. О, нақадар ажойиб бир куй!

(М. Исмоилов)

88-машк. Ўқинг. Ундов гапларни кўрсатинг.

– Демак, менинг гапим ёлғон?

Бу гуноҳинг ундан ёмон!

Дунёда йўқ бундай бўҳтон!

Шошма ҳали, сен оқпадар.

Уч йил бурун жуда дағал

Бир гап қилиб эдинг менга!

Кўрсатаман энди сенга!

– Ўтган йили туғилдим-ку!

– Ундай бўлса акангдир у!

– На акам бор, на укам бор,

– Гап тўқима, эй бадқирдор,

Уруғингдир, аймоғингдир!

(Н. А. Крилов)

89-машк. Ўқинг. Матнда қандай гаплар борлигини айтинг.

Қиш фасли қандай яхши!

Болалар қишда қишки таътилга чиқадилар. Шахмат, шашка ўйнашни, конькида учишни ўрганадилар. Спорт

билан шуғулланадилар. Эҳ, кишнинг хавоси қандай тоза! Оппоқ қор устида қорбўрон ўйнаганмисиз? Қишда ҳам ёзда-гидай болаларга ўйин кўп.



Ҳис-ҳаяжонни билдирган гапларни кўчиринг.

90-машқ. Тушириб қолдирилган ҳарфларни ва тегишли тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Ундов гапларни кўрсатинг.

Бизнинг В...тан қандай гўзал ва кўркем Биз «5» баҳо билан ўқиймиз ва ҳалол м...ҳнат қиламиз Сиз қандай китоб ўқияпсиз Гулла, яшна г...зал шаҳрим Она беланчак устига энгашди.

91-машқ. Шеърни ёддан ёзишга тайёрланинг.

Салом, санъат байрами!

Салом, талант байрами!

Қўшиғимиз янграсин!

Эшитган дил яйрасин!

(Пўлат Мўмин)



Шеърда қандай гаплар берилган? Кўчиринг, текширинг.

92-машқ. Ўқинг. Ундов гапларни аниқланг.

Азиз фарзандларим! Ҳамма жойда, ҳамма вақт ва ҳар қандай шароитда ҳимматли бўл! Бу фазилатни ҳам ўзингга одат қилиб олиб, унга қатъий амал қил! Шунда сени барча ҳурмат қиладиган бўлади. Кўпчилик ҳурматини қозона олдингми, шунинг ўзи сенинг юрт эъозлайдиган яхши киши бўлиб етишганингдир. Буни ҳеч қачон унутма!

«Олтин сандиқ очилди.»



Кўчиринг.


93-машк. Гапларни ўқинг. Маъно жихатдан оҳангига эътибор беринг.

«Бас қил, Сарвар!»

Йўқ, энди бас қилиб бўлармиди. Мен овозим борича кичкираман: «Ҳа-чу!» «Чў!» «Чў!» шунда нур юқорига кўтарила бошлади. Тепага! Тепага чикяпмиз! Ур-ре-ей!!! Оғизлари ланг очик боғча опамиз, ўртоқларим зум ўтмай чумолилардек бўлиб кетишди. «Эҳ-хе-хей!»

Баланд - паст уйларнинг томлари узоқ-узоқларда қолиб кетди. Гугурт кутидек уйларга қарамай нуқул «чў» дейман.

(Ё. Акрам)

 *Ундов гапларни кўчириб ёзинг.*

94-машк. Расмга каранг. «Қиш» мавзусида ҳикоя тузинг.



 *Режа тузинг ва тузган режангиз асосида баён ёзинг.*

95-машк. Ўзингиз учта ундов гап тузиб ёзинг.

96-машқ. Матнни ўқинг. Дарак, сўроқ, буйруқ гапларни аниқланг. Гапнинг ҳар бир туридан биттадан кўчиринг.

Севимли болаларим, сира ҳам кўпол сўзли, аччиқ тилли бўлманг, тилингизни кўпол, аччиқ сўзлашдан тийинг. Очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг. Тилингизни доимо яхши сўзлашга кўниктиринг. Ҳеч кимнинг кўнглини ёмон сўзлар айтиб бузманг. Боболаримиз: «Яхши сўз–жон озиғи, ёмон сўз–бош қозиғи», – деб бекорга айтмаганлар. Очиқ юзли, ширин сўзли бўлсангиз, ҳар ким сизларни севади.

97-машқ. Мақолларни ўқинг. Аввал буйруқ гапларни, кейин дарак гапларни кўчиринг.

Бугунги ишни эртага қўйма. Қолган ишга қор ёғар. Ҳалол иш – лаззатли емиш. Иш сени енгмасин, сен ишни енг. Гап билан шошма, иш билан шош. Етти ўлчаб бир кес. Бирни кессанг, ўнни эк. Бирлашган ёвни қайтарар. Олим бўлсанг, олам сеники.

98-машқ. Учта дарак гапга, учта сўроқ гапга ва учта буйруқ гапга мисол ёзинг.

ГАП БЎЛАКЛАРИ

Гапда бирор сўроққа жавоб бўлган сўз ёки сўз бирикмаси гап бўлаги дейилади.

Гап бўлаклари икки турли бўлади: бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар.

Эга ва кесим гапнинг бош бўлагидир.

Масалан: Болалар ўйнайдилар.

Бош бўлақлар гапнинг грамматик асосини ташкил қилади. Бош бўлақлардан бошқа сўзлар иккинчи даражали бўлақ бўлади. *Масалан: Болалар қизиқарли ўйин ўйнадилар.*

99-машқ. Ўқинг. Гап бўлақларини аниқланг.

Куз ойларининг охирида ҳаво совийди. Изғиринли шамол эсади. Дарахтлар барглари тўқади. Йўлларга тўкилган барглари оёқ остида шилдирайди.

100-машқ. Ўқинг. Гапларнинг эга ва кесимини аниқланг. Эганинг тагига бир, кесимнинг тагига икки чизик чизинг ва гапларни кўчириб ёзинг.

Мен гулларни яхши парвариш қиляпман. Кўз кўрқоқ, қўл ботир. *(Мақол)* Ишлаган ерни яшнатади. *(Мақол)* Собир «4» ва «5» баҳолар билан ўқияпти. Дарсга кириш учун кўнғироқ чалинди.

101-машқ. Ўқинг. Гапнинг қайси бўлақлари ажратиб кўрсатилган?

Биз кўшиқни севамиз.

Кўшиқ бизнинг – жонимиз.

Кўшиқ билан таралар

Элга шараф – шонимиз.

Кўшиқ бизни ўргатар

Аъло ўқиш ва ишга,

Ёшлиқданок чидамли

Ва саботли бўлишга.

(Т. Йўлдош)

Кўчиринг. Иккинчи даражали бўлақларнинг тагига тўлқинли чизик чизинг.

ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИ ЭГА ВА КЕСИМ

102-машқ. Ўқинг, ҳар бир гапнинг бош бўлақларини топинг. Эгага сўроқ беринг.

Намуна: Ўқитувчи бизга вазифа топширди.

Гапнинг бош бўлаги - *ўқитувчи топширди*. *Ўқитувчи* - эга, *ким?* сўроғига жавоб бўлади.

Ўқитувчи бизга вазифа топширди. Биз вазифани пухта бажардик. Мен «4» баҳо олдим. Биз катталарни ҳурмат қиламиз. Қишлоқлар яна яшнамоқда.

103-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг бош бўлақларини топинг. Эгага сўроқ беринг ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг. Кўчириб, эганинг тагига чизинг.

«Сейтекчилар» гуруҳи мактаб ҳовлисига йиғилдилар. Кеча ўтказилди. Кечада аълочи ўқувчилар шаънига яхши сўзлар айтилди. Илғор ўқувчиларга совғалар улашилди. Кечадан сўнг биз концерт томоша қилдик.

Эганинг тагига мана бундай чизилади. _____
Пахталар очилди.

ЭГА

Эга гапнинг бош бўлагидир. Эга гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилганини билдиради ва *ким? нима? кимлар? нималар? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.*

104-машқ. Кўчиринг. Эганинг тагига чизинг, эганинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Маъруф вақтдан тўғри фойдаланади. 2. Ўқитувчимиз бизни музейга олиб борди. 3. Кузда Аҳмаджон ҳовлисига олма кўчати ўтказди. 4. Мактабимизда турли тўғараклар ташкил қилинган. Илҳом дурадгорлик тўғарагига катнашяпти.

105-машқ. Ўқинг. Нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос эгани кўйиб, гапларни кўчиринг.

... янги мавзунини тушунтирди. ... диққат билан тинглади-лар. ... чалинди. ... танаффусга чиқдилар.

106-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзлар қандай сўроқларга жавоб бўлаётганини айтинг. Эгани кесим билан биргаликда кўчиринг.

Ҳаво майин, **осмон** тип-тиник. **Дилдора** «Сейтекчилар» гуруҳига аъзо бўлди. Ҳайвонот боғида **йўлбарс** қафасдан қочибди. Мен гулзордан чиройли **гуллар** тердим. Оппок **пахталар** кийфос очилди.

107-машқ. Гап тузинг. Тузган гапларингиздан эгани аниқланг.

108-машқ. Тушириб қолдирилган сўзларни кўйиб гапларни кўчиринг.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ИТИ

Бир уйга ... кетибди. Ўт ўчирувчилар Цивил деган итини уй ичига Цивил тутун орасига У бир оздан кейин қизчани кўйлагидан тишлаб чиқибди. ... қизни кўриб жуда хурсанд бўлибди. У ўт ўчирувчиларга миннатдорчилик ...

Кўйиш учун сўзлар: ўт, ташилади, бошлабди, онаси, билдирибди.

109-машқ. Мақолларни ўқинг, эгасини аниқланг. Эганинг тагига чизинг.

Ёлғончи ёлчимас, ўғри бойимас. Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон бўлар. Нон қадрини нонвой билар, ер қадрини деҳқон. Мақтанган панд ейди, камтарин қанд ейди. Бойлик тугар, хунар тугамас.



110-машқ. Қуйидаги расм асосида хикоя тузинг ва ёзинг. Ҳар бир гапнинг эга ва кесимини аниқланг. Хикояга сарлавҳа топинг.

КЕСИМ

Кесим гапнинг бош бўлагидир. Кесим эга ҳақида нима дейилганини билдиради ва нима қилди? нима қилади? нима қилмоқчи? кимдир? нимадир? қандай? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

111-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг эгасини топинг. Эгадан гапнинг кесимига сўроқ беринг.

1. Анорхон меҳмонларни деҳқонлар номидан табрикларди.
2. Бир ойлаб кечиккандан сўнг Отабек қайтиб келди.
3. Бизнинг юртимиз чаман, унда қувнаб ўсаман. (*Кўшиқдан*)
4. Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди.
5. Дангасанинг важи кўп. (*Мақол*)

112-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг эгасини топинг.

1. Кўз кўрқоқ, кўл ботир. (*Мақол*) 2. Ана шу саксовуллар, ана шу барханлару, кўй-кўзилар менинг одамлигимни танитди. (*М. Салом*) 3. Баҳорда бу тоғлар ям-яшил ўтлар ва гуллар билан безанади. 4. Кўкламда адирлар ранг-баранг ўтлар ва гуллар гиламига бурканади, ёзда эса олтин буғдойзорлар билан қопланади. (*А. Колбшицов*)

113-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг эгасини топинг, эгадан ажратиб кўрсатилган кесимга сўроқ беринг.

Намуна: Акам (ким?) мактабда ўқийди.

1. Она товук жўжалари билан **донлади**. 2. Биз тинчликни **истаймиз**. 3. Боғда мевалар **пишди**. 4. Пахтакорлар пахтадан мўл **ҳосил олдилар**. 5. Менинг отам – ўқитувчи. 6. Мен – ўқувчиман.

114-машқ. Ўқинг. Гапнинг бош бўлақларини кўчириг.

УЧ АЙИҚЧА

Болалар ёввойи саримсоқ териш учун ўрмонга боришди. Тўсатдан калин ўсган буталар орасидан қандайдир ириллаган товуш эшитилди. Болалар янглишмаган эди. Бу ерда айиқчалар ирилларди.

Ҳимоясиз, ҳали ҳеч нарсага тушунмаган бир айиқча буталар орасидан ўтлоққа чиқди ...

Болалар она айиқ бўлиши хавфини ҳам унутишди. Улар айиқчани қувиб кетишди. Ҳуркиб кетган иккита айиқча эса дарахтга тирмашди. Болалар чакқонлик билан уларни ушлашди. Улар айиқларни ҳайвонот боғига топширишди. Ҳозир бу ёввойи ҳайвонлар ҳайвонот боғида яшайдилар.

115-машқ. Ўқинг. Тушириб қолдирилган сўзларни ўрнига қўйиб кўчиринг. Бу сўзлар нимани билдиради.

Ўктам дурадгорлик тўгарагига Тўгарақда болалар ёғочдан турли буюмлар яшашни Ўктам курсича, хонтахта яшашни Ҳозир болалар жавон яшашни

Қўйиш учун сўзлар: *ўрганишиятти, қатнайди, ўргандилар, билади.*

116-машқ. Ўқинг, ажратилган сўзларга савол беринг. Улар гапнинг қайси бўлаги эканини айтинг.

Бир ўрдакча, митти жўжа
Дўст бўлишди куни-кеча.
Кенг далада ўйнар икков,
Мушук эса пойларди ов...
Жўжа деди: «Эй, ўртоқжон,
Мушук етар, қоч, ўртоқжон».
Ўрдак қочди алпон-талпон,
Қувиб қолди мушук полвон.
Ўрдак ўзин сувга отди,
Кўл бўйида мушук қотди.

(Пўлат Мўмин)

117-машқ. Чизикчалар ўрнига *нима қилди? нима қилади?* сўроқларига мос сўзлар танлаб гапларни кўчиринг.

Силовсин овга уясидан кечаси (нима қилади?) __. Ўиртқичиловсин ўрмонда учраган зотни соғ (нима қилмайди?) __. У ҳеч нарсадан (нима қилмайди?) __.

Овчи силовсинни тириклайин қўлга (нима қилди?) __.

Қўйиш учун сўзлар: *чиқади, қўймайди, туширди, қўрқмайди.*

118-машқ. Кўчиринг. Гапнинг бош бўлақларини аниқлаб, тагига чизинг. Эга бўлиб келган сўзлар олдига сўроғини ёзинг.

Намуна: Янги (нима?) кутубхона қурилди.

Янги кутубхона қурилди. Хоналарга чиройли жиҳозлар қўйишди. Бу ишдан мактаб жамоаси жуда севинди. Энди ўқувчилар бўш вақтларида кутубхонага борадилар. Кутубхоначи жавонларни янги китоблар билан тўлдирипти.

119-машқ. Гапнинг бош бўлақларини аниқлаб, тагига чизинг. Кесим вазифасида келган сўзларни сўроғи билан ёзинг.

Намуна: нима қилди? - қоплади.

КИШИ ФАСЛИ

Қор калин ёғиб, ер устини қоплади. Ўлкамизда қишловчи қушларга яшаш қийинлашди. Қушлар изиллашиб дон ахтариб қолишди. Улар одамлардан ёрдам сўрагандай айвонларда чуғурлашади. Буни кўрган болалар донхўрақлар ясаб беришди. Қушлар энди киши қахридан кўркмайдилар.

120-машқ. Ҳар бир гапнинг бош бўлақларини тошинг. Эгага сўроқ беринг ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг. Кўчириб эганинг тагига чизинг.

Биз вақтдан тўғри фойдаланамиз. Кузда Аҳмаджон ховлисига олма кўчати ўтказди. Мактабимизда турли тўғарақлар ташкил қилинган. Бахтиёр дурадгорлик тўғарағига катнашапти. Лола тикувчилик тўғарағига катнашапти.

121-машқ. Нуқталар ўрнига гапнинг мазмунига мос эга ёки кесимни топиб кўйиб, гапларни кўчиринг. Эга ва кесимнинг тагига чизинг.

Ўқитувчи мавзуни диққат билан тингладилар.
Кўнғирок танаффусга чиқдилар. Кўнгилли ўйинлар

122-машқ. Гапларни ўқинг. Бош бўлақларни топинг. Қолган бўлақларга савол беринг ва гапда қандай вазифани бажараётганини айтинг.

Канарейка – сайроқи қуш. У ёкимли сайрайди. Канарейка учишни билмайди, шунинг учун уни уйда боқадилар.

Зағча – фойдали қуш. Қаноти қора. Бўйни тўқ кул ранг. Зағча овқат танламайди. У турли зараркунанда хашоратларни еб, кўп фойда келтиради.

Қувнок болалар боғдаги меваларни завқ билан термоқдалар. Мевазор боғлар, айникса, кузда жуда чиройли бўлади.

ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

Бош бўлақлардан бошқа сўзлар иккинчи даражали бўлак бўлади. Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақларни, баъзан бошқа иккинчи даражали бўлақларни ифодалайди.

123-машқ. Ўқинг. Эга, кесим ва иккинчи даражали бўлақларни аниқланг, ажратиб кўрсатилган сўзларни кесим билан бирга кўчиринг.

Кучли шамол турди. **Онам** менга кўйлак тикди. **Дурадгор** синган столини тузатди. Шўхсойнинг бўйига **тегирмон** қурилди. **Ўқитувчи** Гулзодани мақтади.

124-машқ. Гапларни ўқинг. Иккинчи даражали бўлақлардан қайсилари бош бўлақларни, қайсилари бошқа иккинчи даражали бўлақларни изоҳлаётганини аниқланг.



125-машқ. Гапларни кўчиринг. Биринчи ва иккинчи гапнинг схемасини чизинг.

Ёқимли шамол гул хидларини атрофга таратди. Дехконлар мўл ҳосилни йиғиб-териб олдилар. Қуёш тоғлар орқасига яширинди. Ҳайдар ота ер остидан унинг юзига қаради.

126-машқ. Кўчиринг. Эга, кесим ва иккинчи даражали бўлақларни аниқлаб, тагига намунадек чизинг.

Намуна: Билимли ва ҳунарли киши ҳамма жойда азиздир.

1. Билимли ва ҳунарли киши ҳамма жойда азиздир. 2. Биз бадий асарларни ўқиймиз. 3. Наима хатни ота-сига юборди. 4. У китобни кутубхоначидан олди. 5. Зафар тез ва равон ўқийди.

Иккинчи даражали бўлақларнинг тагига тўлқинли чизик чизилади.

127-машқ. Ўқинг, сарлавҳа топинг. Кўчириб, иккинчи даражали бўлақларнинг тагига чизинг.

Мақтабимиз ёнида катта ва чиройли боғ бор. Бу мактаб боғи. Боғнинг бир томони – мевазор. Мевазорда ширин, нордон, кизил олмалар, серсув ноклар, сариқ ва қора олхўрилар, юмшоқкина шафтолилар кўп. Бир томони узумзор. Ишқомда ширали узумлар товланиб турибди. Буларнинг ҳаммасини ўқувчилар парвариш қилганлар.

128-машқ. Берилган сўзларга қавс ичидаги сўзлардан мосини кўйиб, кўчиринг. Иккинчи даражали бўлақларнинг тагига чизинг.

Хур, обод, бепоён; майин, ёқимли, енгил; кувнок, ажойиб. (Ватанимиз, ҳаёт, шамол.)

129-машқ. Саволлар ўрнига мос сўзларни кўйиб кўчиринг.

Қалдирғочлар (*қачон?*) иссик томонларга учиб кетади. Нигора ёзда (*қаерда?*) дам олди. Замиранинг укаси (*нечанчи?*) синфда ўқийди. Ошпаз (*нимани?*) пиширди. Дилдора хатни (*қандай?*) ёзади. Зафар (*шималарни?*) тўғри бажаради.

130-машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Қайси бўлақлар гапнинг бош бўлақлари дейилади?
2. Эга қандай сўроқларга жавоб бўлади? Кесим-чи?
3. Қайси бўлақлар гапнинг иккинчи даражали бўлақлари дейилади?

131-машқ. «Ўжар балиқча» мавзусида баён ёзишга тайёрланинг.

ЎЖАР БАЛИҚЧА


Катта денгизда бир балиқ оиласи билан яшар эди. Балиқчалар сувда маза қилиб сузишар, ширин овқат топиб ейишарди.

Бир куни акаси укаларини ўйнатиб келмоқчи бўлди. Балиқча акаларидан ажралиб узоққа сузиб кетди. Улар укаларини чақиришди, бироқ балиқча қулоқ солмади. Ўжар балиқча денгиз чирмовиғига ўралашиб қолди. Ўзи қутула олмади. У акаларини кўп чақирди, аммо улар узоқда эдилар. Ўжар балиқча мана шу чирмовик орасида қолиб кетди ва бошқа балиқларга ем бўлди. Унинг ўжарлиги ўз бошига етди.

РЕЖА:

1. Балиқлар оиласи.
2. Балиқлар саёҳатда.
3. Ўжар балиқчанинг ўзбошимчалиги.
4. Ўжарлигининг оқибати.

ТЎЛДИРУВЧИ

 Тўлдирувчи – гапнинг иккинчи даражали бўлагидир. Тўлдирувчи *кимни? нимани?, кимга?, нимага?, кимда?, нимада?, кимдан?, нимадан?,* каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

132-машқ. Ўқинг. Гапларни кўчиринг. Тўлдирувчининг тагига чизинг.

Олапар қўйларни пойлаб ётарди. У бўрини кўриб қолди. Қўйлар бўридан ҳуркиди. Олапар югуриб бориб, бўрига ташланди. Шу вақт чўпон етиб келди. Қўйлар бўридан қутилдилар.


133-машқ. Шеърни ёддан ёзишга тайёрланинг.

Жуда ҳам аълосиз, ойижон,
Жуда ҳам доносиз ойижон!
Сиз мени кўзим деб севасиз,
Нур тўла кўзим деб севасиз.

134-машқ. Мақолларни кўчириг. Тўлдирувчиларни топинг, тагига чизинг.

Мардни меҳнат енголмайди. Иш устасидан кўрқар. Олтин ўтда, одам меҳнатда билинади. Хунар, хунардан унар.

АНИҚЛОВЧИ

 Аниқловчи – гапнинг иккинчи даражали бўлагидир. Аниқловчи қандай?, қанақа?, қанча?, нечанчи?, кимнинг?, ниманинг? каби сўроқларга жавоб бўлади.

135-машқ. Кўчириг, аниқловчининг тагига чизинг.

Мақтабимиз ёнида катта ва чиройли боғ. Бу – мактаб боғи. Боғнинг бир томони – мевазор. Мевазорда ширин, нордон, қизил ва оқ олмалар, серсув, ширин, ноклар, сарик ва қора олхўрилар, сарик шафтолилар кўп. Бир томони – узумзор. Буларнинг ҳаммасини ўқувчилар парвариш қилганлар.

136-машқ. Берилган сўзларга мос сўз бирикма тузиб ёзинг.

Обод, бепоён, буюк, мустақил, аҳил, меҳнатсевар, заҳматқаш, майин, ёқимли, енгил, ажойиб, қувноқ, чиройли, сайроки, кичкина.



Хол – гапнинг иккинчи даражали бўлаги. Хол қаерга?, қаерда?, қаердан?, қачон?, қандай? сўроқларга жавоб бўлади.

137-машқ. Ўқинг, ҳолларни аниқлаб тагига чизинг.

Нодира мактабда ўқийди. У уй вазифасини ҳамиша пухта бажаради. Хатни чиройли ва хатосиз ёзади. Нодира дарсада ўтилганларни пухта ўзлаштирмоқда. У ўқув қуролларини кўз қорачиғидай сақлайди.

138-машқ. Ўқинг, савол ўрнига керакли сўзларни кўйиб кўчиринг.

Озода (*қачон?*) (*қаерда?*) дам олди. Оромгоҳ (*қаерга?*) жойлашган, (*қаерда?*) турли тўғарақлар ташкил қилинган. У ёш мичуринчилар тўғарагига катнашади. Ёш мичуринчилар дарахтларни, гулларни (*қандай?*) парвариш қилдилар. Озода (*қаерга?*) (*қандай?*) қайтди.

Кўйиш учун сўзлар: *ёзда, оромгоҳда, тоғ этагига, мактабимизда, яхши, уйига, хурсанд.*

139-машқ. Ўқинг. Гапнинг бош бўлақларини аниқлаб, тагига чизинг. Эга ва кесим вазифасида келган сўзларнинг олдига саволини ёзиб кўчиринг.

Намуна: *Оппоқ (нима?) қор ҳамма ёқни (нима қилган?) қоплаган.*

Оппоқ қор ҳамма ёқни қоплаган. Сувлар музлаган. Дарахтлар оқ кийим кийган. Мўрилардан тутун чиқади. Биз совуқдан ҳам, кучли изғириндан ҳам кўркмаймиз. Исик

кийимлар кийиб мактабга борамиз. Иссиқ, чиройли ва озода синфларда роҳатланиб ўқиймиз



Вергулдан кейин кичик ҳарф билан ёзишни унутманг.

140-машқ. Қуйидаги сўзлардан гаплар тузиб ёзинг. Бош бўлақларнинг тагига чизинг.

Болалар, ўқиди, гулзор, бормоқчи, ўйнаяпти, кушлар.

141-машқ. Тўртта гап тузинг. Бош бўлақларни аниқлаб тагига чизинг.

СЎЗ ТАРКИБИ ЎЗАК

142-машқ. Ўзакдош сўзларни ўқинг. Ўзакни аниқланг. Кўчириб, намунадагидек белгиланг.

Овчи, овла; йўл, йўлла; ишла, ишчан, ишчи; сутли, сутчи, сутсиз; боғсиз, боғбон, боғли, боғдор; кучли, кучсиз; тузли, тузсиз, тузла.

Намуна: ишчи, ишла, ишчан.

Сўзнинг туб маъносини билдириб, маъноли бўлақларга бўлинмайдиган қисм ўзак дейилади. Бир ўзакдан ҳосил бўлган сўзлар ўзакдош сўзлар дейилади.

Гул, гулчи, гулла, гулли, гулсиз.



143-машк. Ўзакдош сўзлар иштирокида гап тузинг ва ёзинг.

Пахтакор, пахтазор; тартибли, тартибсиз; баликли, балиқчи, балиқсиз; унумдор, унумли, унумсиз, серунум.

144-машк. Сўзларни туркумларга намунадагидек ажратинг.

Ишчи, ишчан, ишла;, гулчи, гулли, гулла; нурли, нурсиз; кучли, кучсиз; вақтли, вақтинча, бевақт.

Намуна: от – ишчи, сифат – ишчан, феъл – ишла.

145-машк. Нукталар ўрнига *-сиз* ясовчи қўшимчасини қўйиб кўчиринг.

Илмни меҳнат... эгаллаб бўлмайдди. Тикан... гул, меҳнат... хунар бўлмас.

Ўзакка қўшилиб, янги маъноли сўз ҳосил қиладиган қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади.



-чи, -ла, -ли, -сиз, -бон, -дор.

Гул^{ли}, иш^{чи}, дарвозаб^{он}, мансаб^{дор}.

Гапда сўзларни бир-бирига боғлайдиган *-нинг, -ни, -га, -да, -дан* қўшимчалари сўз ўзгартувчи қўшимчалар дейилади.

Мен китобни ўқидим

Ўзак , сўз ясовчи кўшимча , сўз

ўзгартувчи кўшимча 
сувчининг 

146-машқ. Кўчиринг. Сўзнинг ўзак ва кўшимчасини белгиланг.

Шукуржон акамга хат келди. Бугун Сардор мактабдан хурсанд бўлиб қайтди. У кундалигини онасига кўрсатди. Онаси баҳоларини кўриб қувонди.

147-машқ. Қуйидаги феълларга сўз ясовчи кўшимчалар кўшиб, биринчи қатордагидек ёзинг.

Бил - билим	чиз - чизғич
тер -	қир -
йиғ -	суз -

148-машқ. Сўзларни кўшимчалар орқали бир-бирига боғлаб кўчиринг.

1. Сен, дафтар. 2. Ўрик, гул. 3. Чумчук, уя. 4. Қуёш, нур. 5. Қор, тоғ.

149-машқ. Мақоллардаги бир хил ўзакли сўзларни алоҳида-алоҳида кўчириб, ўзакни белгиланг.

1. Қунт билан хунар ўрган. Хунарли киши хор бўлмас.
2. Сув – зар, сувчи – заргар. Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда тол бўлмас. 3. Ақл ёшда эмас, бошда. Ақли ўзини, ақлсиз дўстини айблар. 4. Илм – ақлнинг чироғи. Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар.

150-машқ. Қуйидаги от ва сифатларга феъл ясовчи кўшимча кўшиб, биринчи қатордагидек ёзинг.

Ов - овла

оқ - оқла

йўл -

туз -

қора -

ўт -

иш -

бош -

сўз -

151-машқ. Ўқинг. Нукталар ўрнига сўз ўзгартувчи қўшимчалардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

Борлиқ саратон иссиғи... жимирларди. Бола қорни билан ётиб, дурбин... кўзига тўғрилади.

(Ч. Айтматов)

Жамила машина... деразасидан гудок эшитилган томон... қаради.

(П. Қодиров)

152-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни кўчиринг, ўзак ва қўшимчаларни белгиланг, қандай қўшимча эканлигини айтинг.

1. Тайёра енгил силкиниб ҳавога кўтарилди. Тайёрагоҳда жажжи автопоездлар ранг-баранг **кийимли** йўловчиларни миндириб ўтади. Воҳид **бақувват**, абжир **йигитлардан** эди. Қаттиқ шамолдан кема чайқалади. Даланинг узоқ чеккасида улкан қўл тўқ самовий рангда товланади.

153-машқ. Расмга қараб ҳикоя тузинг.



154-машқ. Нукталар ўрнига сўз ўзгартувчи кўшимчалардан мосини кўйиб матнни ўқинг.

АКУЛА

Акулалар балиқлар... киради, тўрлар... йиртади, баъзан одам... хужум қилади. Кўпчилик акулалар... териси тиканли тангачалар билан қопланган. Шунинг учун ҳам акула... сал тегиб кетилса, у жиддий жароҳат етказди.

(Болалар энциклопедиясидан)

155-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ўзаги ва кўшимчасини айтинг.

ФАРҒОНА

Бувим Фарғона шаҳрида турадилар. Биз ёзда Фарғонага бордик. Шаҳарнинг Навоий, Фурқат **кўчаларида** сайр килдик. Тоғ этагидаги бу **қишлоқда** шоир Ҳамза яшаган. Ҳамзаобод қишлоғида оромгоҳ ва дам олиш масканлари кўп. Мен шу қишлоқда яшовчи Баҳодир **исмли** бола билан **дўстлашдим**. Ҳозир биз хат орқали алоқа қилиб турамыз.



Сизнинг бувингиз қаерда яшайди? Сўзлаб беринг.

156-машқ. Нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос сўзларни кўйиб кўчиринг.

Чўккилар ёз пайтида ҳам оппоқ ... билан бурканиб туради. Кичик жилғалар кўшилиб ... ҳосил қилади. Болалар ... кизикиб томоша қила бошлабдилар.

Кўйиш учун сўзлар: *қор, сой, горни.*

157-машқ. Шеърни ўқинг. 4 та сўз танлаб, ўзак ва кўшимчасини аниқланг.

НОН

Бурда нонни увол қилманг,
Тушурмангиз увокни.
Ҳар кун шундай берар бизга
Ота-она сабоқни.

158-машқ. Ҳикояни ўқинг. Режа асосида баён ёзинг.

Кенг кўчадан машиналар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Нуроний бир чол хассасини дўкиллашиб келмоқда эди. Бирдан машинанинг сигнали эшитилди. Чол йўл ўртасида тўхтаб қолди.

Мактабдан келаётган Гулнора чолни кўриб қолди. У кўча ҳаракати коидаларини яхши биларди. Гулнора чопиб чолнинг қаршисига борди. Чолнинг кўзи ожиз экан. Гулнора чолни етаклаб йўлдан ўтказиб қўйди.

РЕЖА:

1. Нуроний чол.
2. Йўлдаги ҳаракат.
3. Гулноранинг иши.

159-машқ. Расмга қараб гап тузинг. Сўзларни қандай қўшимчалар билан боғлаганингизни айтинг.



160-машқ. *Ким нима қилади?* саволига жавоб бериш учун нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос сўзларни қўйиб матнни кўчиринг.

Ўқувчи ўқийди, ... ўқитади, ... нон ёпади, ... кийим тикади, ... ош пиширади, ... тракторда ер хайдайди, ... кутубхонада ишлайди, ... бино қуради.



Қайси қўшимчалар ёрдамида касбни, машғулотни билдирган шахс номини билиб олдингиз?

161-машқ. Берилган сўзларга *-лоқ, -истон, -зор* қўшимчаларидан мосини қўйиб жой номларини билдирувчи сўзлар ясанг.

Ўт, тош, кум; ўзбек, қирғиз, тожик, козоқ, туркман; пахта, гул, олма.

-истон қўшимчаси ёрдамида ясалган сўзларни қандай харф билан ёздингиз?

162-машқ. Мақолларни ўқинг. Нукталар ўрнига сўз ўзгартувчи қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг. Сўз ясовчи қўшимчали сўзларнинг тагига чизинг.

Одам ... юзи офтоб... иссиқ. Илм... меҳнатсиз эгаллаб бўлмайди. Тўда... ажралган тўр... тушар. Гап... кам сўзла, иш... кўп чўзма. Бирлашган ёв... қайтарар.

163-машқ. Қуйидаги сўзлардан ўзакдош сўзларни тахлаб ёзинг.

Боғ, ўтлоқ, билим, пахтазор, тугунча, тузли, китобча, боғбон, билимли, китобхон, пахтакор, ўтоқ, терим, тугун, тузсиз, боғча, билимдон, ўтла, туг, туз, китоб, теримчи, ўт, пахта, тер.

164-машқ. Кўчиринг. Кўшимчаларнинг тагига чизиб, турини айтинг.

Кўша-кўша сугир, кўп ҳам улоқчам,
Мевазор дала-ю серҳосил боғчам.
Пахта шарафидан, пахта шонидан,
Ўргилай элимнинг олтин конидан.

165-машқ. *Сут, қатик, ҳид* сўзларига сўз ясовчи кўшимчалар кўшиб, янги сўз ҳосил қилинг.

166-машқ. Ўқинг, бир хил ўзакли сўзларни топинг.

Сувсиз қақраган ерларга сув чиқди. Каналлар тўлиб сув окди. Сувчи ғўзани яхши суғорди.

167-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўз орқали бошқа сўзларга савол беринг. Сўзларни ўзаро боғлаш учун қўлланган кўшимчаларни айтинг. Улар қандай кўшимчалар?

Маҳмуджон Омонни шаҳарга олиб борди. **Маҳмуджон** мактабдан уйга келди. **У** дадасидан хабар олгани далага борди. **Маҳмуджон** ғўзани суғораётган сувчига ёрдамлашди.

168-машқ. Гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни кўчиринг, ўзак ва ясовчи кўшимчаларни белгилаб.

Навбатчи синфни текширди. **Гулчи** гулларга сув куйди. **Теримчи** пахта терди. Лола **гулли** кўйлак кийди. **Гулла**, яшна, хур Қирғизистоним!

169-машқ. Нукталар ўрнига тушириб қолдирилган кўшимчаларни кўйиб матни ўқинг.

Табиат яратган мевалар... энг мазалиларидан бири хурмодир. Унинг таркиби... 54 фоиз канд бор. Ёғочи... қиммат-

баҳо жиҳозлар тайёрланади. Хурмо пальмалар оиласи... киради.

170-машқ. Расмдан фойдаланиб гап тузинг.



гул



гулли



гулчи

171-машқ. Қуйидаги отлардан сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида сифатлар ясанг. Баъзи қўшимчалар сўз олдига қўйилишини унутманг.

Давлат, савлат, ҳаракат, ҳосил, унум, гуноҳ, фарқ, аниқ, таниш.

172-машқ. Берилган сўзларнинг ўзак ва қўшимчаларини аниқланг, схемага солинг.

Ёзги, ишчан, баҳорги, терим, тилак, яхшилик, уятчан.

173-машқ. Схемага мос сўзлар ясанг.

□; ∪ ∩; ∪ ∩ □.

Намуна: гулнинг, гулчи, гулчига.

174-машқ. Матнни ўқинг, унга сарлавҳа топинг.

Қадим замонда бир шаҳарнинг новвойлари ўз ҳунарлари билан донг таратган эканлар. Нонни ҳеч ким уларчалик ла-

зиз ва кўркам ёпа олмас экан. Шунинг учун улар яшайдиган жой «Сехргар новвой маҳалласи» деб аталаркан.

(*F. Foinov*)

175-машқ. *Боғ, ёз, чиз, бил* сўзларидан ўзакдош сўзлар ҳосил қилинг.

Намуна: *боғбон, боғда.*

176-машқ. Тез айтишни айтинг. Ажратиб кўрсатилган сўзнинг ўзагини топинг.

Матлаб минг марталаб **мактабда** мақталди. Қорабой **қарағайга** қарамай кўйди. Турғун тўрғаган **турпини** Турсун ташиб турди.

177-машқ. Берилган сўзларни ўрнига кўйиб гаплар тузинг.

1. Ўрганди, билмаган нарсаларни, уялмай, сўради, ва, Жавҳар. 2. Бор экан, эман дарахти, ўрмонда. 3. Таътилда, ишлади, Эргаш, фермада.

178-машқ. Бир хил ўзакли сўзларни аниқланг. Бунда айтилиши ва шакли бир хил бўлиб, ҳар хил маъно билдирадиган омоним ўзакларини бир-биридан фарқлашни унутманг.

Боғ, боғбон, боғич, боғбонлик, боғла, боғдор, боғлам, боғлик, боғча, боғлов, боғдорчилик, боғловчи.

Ёз, ёзмоқ, ёзги, ёзув, ёзувчилик, ёзлик, ёзма.

179-машқ. *Иш, оқ* сўзларига бир хил ўзакли сўз танланг.

180-машқ. Кўчиринг. Бир хил ўзакли сўзларнинг тагига чизинг.

1. Хунарли ўлмас, хунарсиз кўп кўрмас. Хунарни хунараманддан ўрган. 2. Ерга меҳр – элга меҳр. Ерни деган қандейди, демаган – панд.

181-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ўзакларини аниқланг.

Мен **шогирдининг** ютуғидан кўзлари ёнган, ёшариб кетган устозларни кўрганман. Аксинча, шогирди муваффақиятсизликка учраганда, унга қўшилиб, изтироб чекканларининг шоҳиди бўлганман. Ҳа, халқимизнинг **устозни** улуғлашида ҳикмат кўп. Ахир, киши ота-онаси сабабли дунёга келса, устоз таълими туфайли оёққа туради, катта ҳаётга кадам ташлайди.

(Олтин сандиқ очилди)

182-машқ. Нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос сўзларни қўйиб кўчиринг.

Бишкек шаҳрида асосан бишкеклик, Ўш шаҳрида ..., Бухорода ..., Қўқонда ..., Жалолободда ..., Таласда ... кишилар яшайди.

183-машқ. Кўчиринг. Ўзакни аниқланг, қандай қўшимчалар қўшилганлигини айтинг.

Бебаҳо, белги, тозала, баҳола, белгили, тоза, баҳо, белгила, тозаллик, маза, бемаза, белгилаш, мазали, ўки, мазасиз.

184-машқ. *-чи, -кор, -зор* қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг ва ясалган сўзлар қандай маъно англатаётганини айтинг.

Карим кекса сув... билан суҳбатлашди. Пахта... оппок пахталар билан қопланди. Мактабимиз олдида гул... бор. Лоланинг онаси илғор иш... . Пахта...лар оқ олтин хирмонини тўлдирмоқдалар. Мева... боғлар мевалар билан тўлибди.

185-машқ. Нукталар ўрнига сўз ўзгартувчи қўшимчалардан мосини қўйиб, матнни кўчиринг.

ЯХШИ ФАЗИЛАТ

Зарифжон мактаб... келаётган эди. Унинг ёни... бир аёл ўтди. Кетаётиб чўнтаги... рўмолча олди. Рўмолча... илашиб пули ер... тушди. Аёл бу... сезмади.

Зарифжон пулни олиб, аёл... чакирди. Аёл орқасига қаради. Зарифжон пул... эгасига берди. Аёл... юзи... самимий жилмайиш кўринди. Зарифжонга миннатдорчилик билдириб, йўлида давом этди.

186-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни кўчиринг ўзак ва қўшимчаларни белгиланг, қандай қўшимча эканлигини айтинг.

Келган эди **меҳмонга**,
Лолахоннинг холаси.
Дадасининг дўсти-ю,
Ҳатто катта тоғаси.

Дастурхон **атрофида**
Қариндошлар терилган.
Катта-кичик болалар
Суҳбатларга берилган.

187-машқ. Ўқинг, ўзакдош сўзларни аниқлаб кўчириг ва ўзакни белгиланг.

КИТОБ - ДЎСТИМИЗ

Китобни севинг. Китоб яхши маслаҳатдош ва ўқитувчи. Китобсиз билимли, маданиятли киши бўлиб етишиш мумкин эмас. Китобни ўқиб, билимингизни бойитинг. Биз китобдан боболар меросини билиб оламиз. Энг яхши китобхон бўлишга тиришинг.

188-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни сўзнинг таркиби жихатидан намунадагидек таҳлил қилинг.

Чўққилар ёз пайтида ҳам қорга бурканиб, оппоқ бўлиб туради. Пастда **қорли** чўққидан бошланувчи жилға шиддат билан оқаради. **Бедазордан** бедананинг сайраши эшитилиб турар эди. Ҳосилнинг ярмидан кўпи пахта териш машинасида терилди. **Пахтақорлар** давлат режасини ошиғи билан бажардилар.

Намуна:

сўз	ўзак	сўз ясовчи қўшимча	сўз ўзгартирувчи қўшимча
кийим бедазордан	кий беда	-им -зор	-дан

189-машқ. Берилган отларга қўшимчалар қўшиб сифатлар ясанг. Ясаган сифатларни ёзиб, уларнинг ўзак ва сўз ясовчи қўшимчаларини тегишлича белгиланг.

Барг, ҳосил, ваҳима, гўшт, ранг.

190-машқ. Ўқинг. Ўзакдош сўзларни икки устунга ажратиб кўчириг.

Бил, мева, билим, мевали, билимли, мевазор, билимдон, билимсиз, мевасиз.

191-машқ. Мақолларни кўчиринг. Ўзакдош сўзларнинг тагига чизинг.

Меҳнатсиз топилган ошдан, меҳнат-ла топилган тош яхши. Хунар – хунардан унар. Яхши яхшига ёндаштирар, ёмон йўлдан адаштирар.

192-машқ. Ўқинг. Ўзакдош сўзларни устун шаклида ажратиб кўчиринг.

Йўл, балиқ, йўлчи, дарахтзор, балиқчи, йўлбошчи, балиқчилик, йўлбошчилик, дарахтсиз.

193-машқ. Нукталар ўрнига *-чи, -сиз, -ли* ясовчи қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

Қурбақа – фойда... жонивор. Каримнинг опаси – музика... Эрталаб куёшнинг куч... нури атрофга ёйилди. Фарход – гавда... , куч... , чаққон бола. Баҳорги таътилга санок... кунлар қолди.

194-машқ. Нукталар ўрнига *-чи, -ла, -сиз, -ли* ясовчи қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг.

Раъно китобни завқ билан ўқий бош...ди. Сув... ғўзани суғорди. Куч... шамол энг катта дарахтни ҳам тебратади. Маслаҳат... иш келтирар ташвиш.

195-машқ. Кўчиринг. Сўз ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

Қурилишда ишни аввал ер қазувчи машина бошлайди. Хайвонот боғи болаларнинг энг қувончли жойидир. Мактабимиз ёш мичуринчилари ўз боғчаларини севадилар.



-чи, -ли, сиз ясовчи қўшимчалари шитирокида учта гап тузинг ва айтинг.

196-машк. Нукталар ўрнига сўз ясовчи қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг.

Аброрбек, улгурмов... ўртоқларингга ёрдам бер. Сув... қақраган ерларга сув чиқарди. Гул..., яшна хур Қирғизистон. Раъно ақл..., доно киз эди.

197-машк. Нукталар ўрнига сўз ўзгартувчи қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг.

Бир маймун кунлардан бир кун дурадгор... ёғоч усти... ўтириб, пона билан уни ёраётганини кўрди.. Дурадгор бир пона... қоққан... кейин иккинчиси... чиқариб олар, уни бошқа ер... кокар ва шундай қилиб, ёғоч... ёриб борар эди. Дурадгор зарур иш билан бир ёкка кетди. Буни кўрган маймун, ўзи... даҳли бўлмаган ишга аралашиб, дурадгор... иши... давом эттирмоқчи бўлди.. Маймун юзини пона... қаратиб ёғоч усти... миниб олди. Уни думи ёғоч... ёриғи... тушиб турар эди. У понани суғира бошлади.

Маймун понани чиқариши билан думини ёғоч қисиб қолди. Маймун хуши... кетди, то дурадгор етиб келгунча, шу ахвол... ётди.

(Калила ва Димнадан)

198-машк. Қайси сўз ясовчи қўшимчаларни қўйиш мумкин.

бола

гул

ўқув

ЛЕКСИКА (СЎЗ МАЪНОСИ)

Тилдаги сўзларнинг барчаси тилнинг луғат бойлигини, яъни лексикасини ташкил қилади. Лексика сўзи юнонча (сўз) деган маънони билдиради.

ОМОНИМ СЎЗЛАР

199-машқ.

Ўчоқда кул йўқ эди. Ўйна, кул, яйра. Умида чанг чалишни ўрганияпти. Эрталаб чанг ва тўзон кўтарилди.

Кул, чанг сўзларининг маъносини тушунтиринг.



Талаффузи ва ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омоним сўзлар дейилади.

200-машқ. Кўчиринг. Омоним сўзларнинг тагига чизиб, маъносини айтиб беринг.

1. Аҳмад ўзи терган пахтани тортди. Турсун арқоннинг бир учини секин тортди. 2. Пича ун топиб келсам, қозон ос-сак қалай бўлар экан. Бола қулоғи кизариб, ранги бўзариб кетса ҳам ун чиқармас эди.

201-машқ. Расмга караб гап тузинг. Тузган гапингиздаги омоним сўзлар маъносини тушунтириб беринг.



202-машқ. Омоним сўзлар қайси сўз туркумига киришини аниқланг.

Ерга сочилган олмаларни тер. Равшаннинг тер тўкиб ишлаётгани билиниб турар эди. Китобларни йиғиштириб, жойига қўй. Қўй, қўзилар адир этагига ёйилиб кетди.

203-машқ. Шеърни ўқинг. Омоним сўзларни аниқлаб, маъносини тушунтиринг.

Келур сел, кўкда гоҳо бўлса чакмоқ,
Зарар килгай данакни тишда чакмоқ.
Ёмондир икки ўртоқ ўртасида -
Уриштирмоқ учун бир-бирига чакмоқ.

(Ҳабибий)

204-машқ. Расмга қараб ҳикоя тузинг.



205-машқ. *Туш, кир, уч* сўзларини турли маъноларда қўллаб гап тузинг.

206-машқ. Ҳар бир сўзнинг маъноларини билиб олиб, уларнинг қайси сўз туркумига киришини айтиб беринг.

ёз	оқ	кир	тош	тўй
ёй	сир	куй	туз	уч
ёғ	соч	тор	тут	юз

207-машқ. Шеърдаги «қўй» ва «бок» сўзларига омонимлар топинг.

Ватанинг кутар сени,
Ўғлим, яхши билиб қўй!
Бахт йўлига бошловчи,
Китобингга меҳр қўй.
Чиқиб билим чўққисига,
Синчиклаб атрофга бок.

208-машқ. Ажратиб кўрсатилган омонимларнинг маъносини тушунтиринг.

1. Ҳайъат аъзолари биринчи **тур** саволларига тўлиқ жавоб олдилар. Равшан, **тур** ўрнингдан.

2. Хилола **оқ** гулли кўйлагида турар эди. Сен сувда бир **оқчи**.

3. Қўни-қўшнилар етиб келгунча уй ёниб, **қуйиб** бўлган эди. Шерзод ажойиб **қуйни** тинглаб ўтирар эди.

4. Тўдадан ажралган **тўрга** тушар. Меҳмонларни **тўрга** ўтказишди.

5. Товуқларга дон **соч**. Бувимнинг **сочи** оппоқ бўлиб қолган.

6. Гапга бир **ёш** бола аралашди. Ёркиной кўзига **ёш** олди.

7. **Чакмоқ** чакди. Ёнғокни тишда **чакмоқ** соғлиқ учун зарар келтиради.

СИНОНИМ СЎЗЛАР



Ош, овқат, таом. Касал, бемор, бетоб. Созанда, машшоқ.



Шакли ҳар хил бўлса ҳам, маъноси бир-бирига яқин бўлган сўзлар синоним сўзлар дейилади. Синоним сўзлар бир хил предметларни (*овқат, ош, таом*), предметнинг бир хил белгисини (*иш-*

чан, ҳаракатчан, тиришқок), бир хилдаги ҳаракатни (асради, сақлади) билдиради.

209-машқ. Шеърда қайси фасл номи икки хил сўз билан берилган.

Шоликор, пахтакорнинг	Ёшу қари – бариси
Режасида бор кўклам,	Дилида қордан викор,
Кумуш либосда яшнаб	Олмосдай қор тагидан
Ҳаёт қайнаган ўлкам.	Кулади кўркам баҳор.

210-машқ. Ҳар бир қаторда берилган сўзларнинг маъноларини тушунтиринг.

1. Аҳил, иноқ, тотув.
2. Улуғ, буюк, улкан, катта.
3. Гапирди, сўзлади, айтди.

211-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларга яқин маъноли сўзларни танлаб ёзинг.

Намуна: *Ҳаёли, андишалли, ориятли, иболи.*

1. Зангори осмон шундай **тиник**, шундай беғуборки, кўзни олади. 2. Дарс вақтида **сергак** бўл, қушдай сезгир, зийрак бўл. 3. Мактабингнинг мулкани обрўйи ва кўркни жону дилингдан **сақла**, эҳтиётла, ардоқла! 4. Ток сўримизга ин қўйган бир жуфт читтак. 5. Доим кўрсангиз сергак, туйғун қуш, кўзи тийрак. 6. Бизнинг уйимиз электрда **исийди**, ҳатто оддий дазмол ҳам электрда кизийди.

212-машқ. Қуйидаги сўзларнинг синонимларини топинг.

Ватағ, вақт, сезгир, баҳслашмоқ, ўртоқ, кечикмоқ, урмоқ, афт, содиқ, тойғоқ.

Шу сўзларни қатнаштириб гап тузинг.

213-машқ. Расмга қараб ҳикоя тузинг.



Ҳикоянгизда синонимлар қатнашсин.

214-машқ. Синоним сўзларни алоҳида-алоҳида ёзинг.

Безовталанмоқ, батафсил, дунё, тоқатсизланмоқ, жаҳон, олам, тўлиқ, коинот.

215-машқ. Шеърни ёдланг. Уни ёддан ёзиб синонимларнинг тагига чизинг.

Жонтемирнинг бригадаси
Меҳр қўйиб ишга киришди.
Толдик демай, чарчадик демай,
Бутун кучи билан тиришди.

216-машқ. *Кўп, кулди, буюк* сўзларининг синонимларини топиб, уларнинг бири иштирокида гаплар тузинг.

217-машқ. Ўнг томондаги сўзлардан чап томондаги сўзларнинг синонимини топинг.

касал
кулди
аввал, излади

кидирди, илжайди, жилмайди,
ахтарди, бетоб, олдин, хохлади,
бурун, қадим, бемор.

218-машқ. Нукталар ўрнига қуйида берилган синонимлардан мосини қўйиб кўчиринг.

Синоним сўзлар: маҳорат, усталик, вақт, чоқ, пайт, замон; севинди, қувонди, хурсанд бўлди, севинч.

1. Шу ... кўнғирок чалиниб, ҳамма ўқувчилар синфга кириб кетдилар. 2. Ёш ҳаваскорлар ҳар бир кўшик ва рақсни зўр ... билан ижро этдилар. 3. Отам кундалик дафтаримдаги баҳоларимни кўриб

219-машқ. Қуйидаги сўзлардан синонимик қатор тузиб ёзинг.

Хурсанд –

Беғубор –

Совға –

Тортишув –

Ёрдамчи –

Юз –

Гўзал –

220-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг синонимини топинг.

Маҳмуд устига бориб қолган Бўстонбекни таёк учи билан нўкиди. Ғазаб куч бағишлаган Бўстонбек таёкни иккала қўли билан шаппа ушлаб силтаб тортиб олдида, нарига улоқтириб ташлади. Кўча юзасига чиққан Маҳмуд кўллари Бўстонбекнинг кўксига тираб, **туртиб** юборди. Орқага каловланиб кетган Бўстонбек ўзини тутди-да, жанговар ҳолатга кириб, **рақибига** мушт отди. Иккинчи муштини ургунча, чеккаси аралаш пешонасига зарба еди.

(Қўлдан Мирзо)

221-машқ. *Афт, қувноқ, ёрдам* сўзларининг синонимини топинг ва шу сўзларни катнаштириб гап тузинг.

222-машқ. Нукталар ўрнига берилган синонимлардан мосини қўйиб, мақолларни ўқинг ва ёзинг.

Халқ иши – ... иши. Эгри озади, ... ўзади. ... бахт келтирар. Гап билан шошма, ... билан шош. ... ва ... омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.

Сўзлар: *меҳнат, иш, ҳақ, тўғри, эл, юртинг.*

223-машқ. *Истамоқ, ботир, истак* сўзларига синонимлар жамланг ва алоҳида-алоҳида ёзинг.

Орзу, жасур, хоҳламоқ, ҳавас, хоҳиш, довюрак, кўркмас.

224-машқ. Қуйидаги синоним сўзларнинг қайси бирини кўпроқ ишлатамиз? Шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Мард, ботир, жасур, дов юрак, кўркмас; товуш, овоз, ун; толе, бахт, саодат; кулди, хоҳолади, илжайди, жилмайди; улкан, катта, йирик, буюк, улуғ.

225-машқ. Расмга қараб «Жазо» мавзусида ҳикоя тузинг.



226-машқ. Синоним сўзларнинг маъно жиҳатидан фарқини айтинг.

Ташна, чанқоқ; юз, бет, афт, башара, чехра; юмшок, мулойим.



Шу синоним сўзлардан қатнаштириб дарак, сўроқ ва ундов гаплар тузинг.

227-машқ. Нукталар ўрнига кавс ичидаги синоним сўзлардан мосини қўйиб гапларни кўчиринг.

Бўстонбекнинг мунғайиб, жим турганини бувиси ... (сезди, фаҳмлади, билиб колди). У ... (овоз, ун, товуш) чиқармай синчиклаб ўкиб чиқди. Бувисини ... (безовта, ҳалакит) қилмаслик учун секин юриб айвонга ўтди. ... (олдин, аввал, бурун) бошини, кейин бет кўзларини силади.

(Қўлдош Мирзо)

228-машқ. Тагига чизилган сўзларнинг синонимларини аниқланг, уларни алмаштириб қўллаб кўринг.

1. Меҳмонлар лаззатли таомларни ҳўп ейишди. Ўктам совуқ хуштаъм чойни култ-култ ютиб, кўли билан лабларини артди. Шавла жуда тотли туюлди, ошпазни мақтадилар.

2. Олахўжа муддаосига етолмайди, Абдурасул яна қайтиб унинг кўлига тушмайди. Мен сизнинг ниятингизни биламан. Мақсадим ўкимок.

229-машқ. Синоним ва омонимнинг фарқини айтиб беринг.

230-машқ. Кўчиринг ва синонимларни аниқланг.

1. Тулки ҳайвонлар ичида энг айёри ва муғомбири.
2. Ҳоким кулар, тилмоч жилмаяр, Тешабой илжаяр эди.
3. Мен ҳам одам эдим-ку, инсон фарзанди.
4. Мусаффо осмонда қушлар парвоз қилади. Кўм-кўк самовий денгизга ўхшайди.

Кулар, жилмаяр, илжаяр сўзларининг маъно жиҳатидан фарқи борми?

231-машқ. Кўчиринг. Синонимларнинг тагига чизинг.

1. Бир неча дақиқадан кейин баданини муз кесганини сездим. Ҳавода ўт сийраклашгандай туюлди.
2. Яшна, яшна, улуг Ватан, яшна, яшна, хур диёр.

232-машқ. *Анқов, тортиқ, танқис* сўзларининг синонимларини топиб ёзинг.

АНТОНИМ СЎЗЛАР



катта



кичик



узун



қисқа

Қарама-қарши маъноли сўзлар антоним сўзлар дейилади.

233-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларга карама-карши маъноли сўзларни топинг.

Жаҳл – душман, ақл – дўст. Ақли **қисқанинг** тили узун бўлади. **Яхши** гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. **Келмоқ** ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан.

234-машқ. Антоним сўزلардан фойдаланиб, хайвонларнинг сифатларини намунадек ёзинг.

Намуна: Қуён қўрқоқ, йўлбарс ботир.

Мушук, сичқон (катталиги жиҳатидан); бўри, қўзичок (кучлилиги жиҳатидан); тулки, бўри (айёрлиги жиҳатидан); чумоли, ниначи (меҳнатсеварлиги жиҳатидан).

235-машқ. Қуйидаги сифатларга берилган сўزلардан антонимлар танлаб намунадагидек ёзинг.

Намуна: Иссиқ - совуқ.

Оқ, юмшок, ўткир, ишчан, ахил, ботир.

236-машқ. Антоним сўзларни ўқиб, нима яхши, нима ёмонлигини айтинг.

Тиришқоклик, ялқовлик, яхшилик, ёмонлик; дўстлик, душманлик, ростгўйлик, ёлғончилик.



Шу сўзлар шитирокида 4 та гап тузинг.

237-машқ. Мақолларни ўқинг, антоним сўзларни аниқланг. Уларни ўзи боғланган сўз билан бирга намунадагидек кўчиринг.

Намуна: Эски йил - янги йил.

Эски йилнинг хисоби – янги йилнинг китоби. Эрта эккан хирмон қилур, кеч эккан армон қилур. Эгри озади, тўғри ўзади. Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла. Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи.

238-машқ. Расм асосида иншо ёзинг.



РЕЖА:

1. Қиш фасли.
2. Қишда одамлар ҳаёти.
3. Болаларнинг машғулоти.

239-машқ. Кўчиринг. Антонимларни аниқланг.

Ёмон уруғдан яхши мева кутма. Сахий топса, барча ер; бахил топса босиб ер. Кўз кўрқоқ, кўл ботир. Аччиқ билан чучукни тотган билар, узок билан яқинни юрган билар. Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин.

240-машқ. *Ишчан* сўзининг антонимларини ёзинг.

Ҳашар куни Озодбек
Кечга қадар лой қорди.
Унинг ишчан, абжирлигин
Ота кўпдан пайқарди.
Гох кетмонда солиб берар,
Гоҳо ташир челақда.
Юз-кўзи лой, негаки,
Файрат килиш керақда.

(Т. Адашбоев)

241-машқ. Ўқинг. Аввал ўлчов билдирган антонимларни, кейин пайт билдирган антонимларни кўчиринг.

Аввалги, охирги; кенг, тор; **катта,** кичик; эртаги, кечки; узун, қисқа; илгари, ҳозир; баланд, паст; эрталаб, кечқурун;



Ажратиб кўрсатилган сўзларга синонимлар танланг.

242-машқ. Қуйидаги сўзларнинг антонимларини топинг.

Ёғлиқ, соғлом, оға, ботирлик, меҳнатқаш, қайғу, азиз, баланд.

243-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларга антонимлар топинг.

Оппок қор ҳамма ёкни қоплаган. Сувлар музлаган. Дарахтлар оқ кийим кийган. Мўрилардан тутун чиқади. Биз **совукдан** ҳам, кучли изғириндан ҳам кўркмаймиз. **Иссиқ** кийимлар кийиб мактабга борамиз. **Иссиқ, чиройли** ва озода синфларда роҳатланиб ўқиймиз. Дарсларимиз тугагандан кейин, баъзан қор-бўрон ўйнаймиз. Уйимизга бориб овқатланамиз. **Текис**, муз қоплаган ерларда конькида учамиз.

244-машқ. *Овоз, суюнди, югурди, тиниқ, гўзал* сўзларининг синонимларини топиб, улар иштирокида гап тузинг.

245-машқ. *Ўт, ёз, олма, туш* сўзларини қатнаштириб гап тузинг. Бунда ҳар бир сўз икки гапда ишлатилиб, икки хил маънони билдирсин.

246-машқ. Қуйидаги сўзларга антонимлар танланг.

Оппок, иссиқ, кучли, текис, кечкурун.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

От, сифат, феъл, сон сўз туркумларидир.

247-машқ. Предметни, кейин белгини, сўнгра ҳаракатни билдирган сўзларни намунада кўрсатилгандек ёзинг. Уларга савол беринг.

Олма, қизил, ўйнади, борди, гулзор, кенг, тор, ўқияпти, дафтар, ёзди, бола, аччиқ, шифокор, нордон, суғорди, боғ-бон, экди.

Намуна:

Предмет номини билдирган сўзлар: олма, ...

Предмет белгисини билдирган сўзлар: қизил, ...

Ҳаракатни билдирган сўзлар: ўйнади, ...

248-машқ. Ўқинг. Саволлар ёрдамида от, сифат ва феълларни топиб, отнинг тагига бир, феълнинг тагига икки ва сифатнинг тагига тўлкинли чизиқ чизинг.

Баҳор. Далаларда иш қизғин кетмоқда. Боғларда олма, анор, нок, хурмо каби мевалар гулламоқда. Болалар ота-оналарига ёрдам бермоқдалар. Далаларда чопиқ ишлари авж олмоқда.

249-машқ. Ўқинг. Саволлар ёрдамида от, сифат, феълларни аниқлаб, чизмани тўлдиринг.

Сариқ, мактаб, яхши, келди, куёш, дарахт, сўзлади, олхўри, ўтирди, кетди, қора, катта, ўкиди, нур, дарс, тайёрлади, китоб, чизғич, боғляпти, яшил, қовун.

от	сифат	феъл
ким?	қандай?	нима қилади?
нима?	қанақа?	нима қилпти?
мактаб	сарик	келди

250-машқ. Матнни ўқинг. Предмет номини билдирган сўзларни топиб ёзинг.

ЯНГИ СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Болалар дам олиш куни мактабга йиғилдилар. Уларнинг қўлларига кетмон, белқурак, замбил каби асбоблар бор. Мактаб ҳовлисида иш кизиди. Чакқон ўқувчилар кенг май-

донни текисладилар. Футбол, баскетбол майдончалари учун катта жой тайёрладилар. Майдончага катта, кичик устунчалар ўрнатдилар. Натижада мактабда янги спорт майдончаси ташкил этилди.

251-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларга савол беринг, қайси сўз туркумига киришини айтинг.

Оз-оз ўрганиб **доно** бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб **дарё** бўлур.

Оламдан **ғамсиз** ўтай десанг,
Илму хунар ўрган.

Айтар сўзни айт,
Айтмас сўздан **қайт**.

Сабр ила кўп боғлик иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тўйилур.

(Навоий ҳикматлари)

252-машқ. Матнни ўқинг. Ҳаракатни билдирган сўзларни топиб ёзинг.

Томошабинлар Заҳириддинга мадҳу санолар ўқишди.

– Зарбини қаранг-а, шоҳим! Айнан ўзингизга ўхшайди. Жасорати мисоли Бобурдир, – дейишди амирлар.

– Заҳириддин Муҳаммад қиблагоҳи қаршисига келиб тиз чўкди. Умаршайх Мирзо фарзандининг пешонасидан ўпиб, шундай деди:

– Ота зарбини олибсан, балли, ўғлим! – Бобурсан, Бобур

...

(М. Қарим)

253-машқ. Шеърни ўқинг. От, сифат феълларни топиб, тагига чизинг.

ЎМИН

Ялт-ялт этиб осмонни
Чакмоқ тилиб ташлади,
Бир зумдаёқ булутлар
Кўзларини ёшлади.

Тунукали томларни
Тасур-тусур камчилар,
Майсалар бетин ювди
Муздек гавҳар томчилар.

(Т. Адашбова)

254-машқ. Сўзларни ўқинг. Предмет номини билдирган сўзларни топиб ёзинг.

Ўкитувчи, ёзди, бобо, чиройли, чойнак, тикувчи, қазиди, парта, гармдори, ўқувчи, ухляпти, шўр, кўйлак, гилам, урди, кизиди, бойчечак, деҳкон, чикиб, ер, ҳайдади, байрам, меҳнат.

255-машқ. Ўқинг. Предмет белгисини билдирган сўзларни топиб ёзинг.

ЧУМОЛИ

Бир чумоли миттижон,
Чопади у ён-бу ён.
Юким демай каттакон,
Уйчасига ташир дон.
Югуради эрта-кеч,
Чарчашни билмайди ҳеч.

Қаранг, баъзан чўп ташир.
Ташиса ҳам кўп ташир.
Балки янги уй қураб?
Шу сабабдан югурар.
У эртанинг ғамин ер,
«Меҳнат таги-роҳат»-дер.

(Т. Солиев)

256-машқ. Шеърни ўқинг, предметнинг ҳаракатини билдирган сўзларни топиб ёзинг.

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл ҳатто бир кадам.
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг учун
Ўпар доим пешонасидан.

(Э. Воҳидов)

ОТ

257-машқ. Ўқинг. Предметни билдирган сўзларни топинг.

Назир кўшиқ бошлади. Бола қорни билан ётиб олиб, дурбинини кўзига тўғрилади. Жамила машинанинг деразасидан овоз эшитилган томонга қаради. Қадимда одамлар бармоқлари ёрдамида санашган, рақамларни сўз билан ёзишган.



Предмет номини билдириб, ким?, нима? сўроғига жавоб бўлган сўзлар от дейлади.

Отлар гапда бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.

258-машқ. Ўқинг. Сарлавҳа кўйинг. Предмет номини билдирган сўзларнинг тагига чизинг.

Сиз ҳар куни кўлингизга қалам ушлайсиз. Лекин унинг қандай тайёрланишини биласизми?

Фабрикада графит ва лойдан ингичкагина ўқ қилинади. Уни тахтадан бўлган филоф ичига яширадилар. Филоф бў-
ялади.

Мана сизга қалам. Бу қалам сизга узоқ вақт хизмат қила-
ди.

259-машқ. Ўқинг. Отларни аниқланг. Қандай отлар бош ҳарф
билан ёзилишини тушунтиринг.

Равшан Ўш шаҳридан гул кўчати келтирди. Йўлчи ва
Ёркиной уни Сузук қишлоғидаги Манас кўчасида жойлаш-
ган ҳовлиларига экишди. Улар кўчатга сув қуйиб турдилар.
Тез кунда кўчат яшнаб кетди.

260-машқ. Ажратиб кўрсатилган отларни ўзи боғланган сўз
билан бирга кўчиринг.

Ёз кечалари узун. **Зарифа** уй эшигининг тугмасини бос-
ди. Қушлар **дарахт** шоҳида сайрашарди. **Турсуной** мактабга
эрта келди. Синфимизда «ўлкашунослик» бурчаги бор. **Аб-
думалик** дадасига ёрдамлашди. Меҳмонлар учун шаҳар **дар-
возалари** очилди.

261-машқ. Топишмокнинг жавобини айтинг. *Нима?* сўроғига
жавоб бўлган отларни алфавит тартибида ёзинг.

Копток эмас, думалоқ,
Унда бор шаҳар, қишлоқ,
Дарё, денгиз, тоғ-довон,
Қиру адир ва ўрмон.
– У нима айт-чи, Юнус!
– Унинг номи

262-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни ўзи боғланган от билан биргаликда кўчириг.

Санъат китобни кўп ўқийди. Мусобақада Раҳим ютди. Булоқ суви катта ариқни тўлдириб оқа бошлади. Уйқуга кирган дарахтлар яна яшил тўн кийди. Осмонни булут қоплади. Ёмғир ёғди.

263-машқ. Ўзингиз севган ёзувчи, шоир, рассомларнинг исм ва фамилиясини ёзинг.

264-машқ. Нуқталар ўрнига гапнинг мазмунига мос атоқли отларни кўйиб гапларни тўлдириб ёзинг.

1993 йил 5 майда ... қабул қилинди. 1991 йил 31 августда Қирғизистон ... давлат деб эълон қилинди. 1992 йил 5 мартда Қирғизистон давлат ... қабул қилинди.

Сўзлар: конституция, мустақил, байроги.

265-машқ. Расмга қараб гап тузинг. Гаплардаги сўз туркумини аниқланг.



266-машк. Гапларни ўқинг, отларни аниқлаб, шу отлар гапнинг қайси бўлаги вазифасида келганини айтинг. Кўчириб, эга вазифасида келган отларнинг тагига чизинг.

Механизатор пахтани машинада терди. Ҳакима онасига Гулнознинг истагини билдирди. Ўқувчилар таътилда музейга бордилар.

267-машк. Шеърдан олинган парчани ўқинг, отларни аниқланг. Отларнинг гапдаги вазифасини айтинг.

Меҳрингиз – жўшқин дарё,
Қалбингиз – чексиз дунё,
Сўзингиз – гавҳар аъло,
Сизга минг таҳсин, таъзим,
Азиз инсон муаллим.

268-машк. Гапдаги отларни аниқлаб кўчининг.

Алишер бу катта боғ ҳовлининг ҳар бир бурчагини томоша қилиб узоқ юрди. Дарахтларнинг новдаларига осилган рангдор қафаслардаги тўти, булбул, майналарни мароқ ила томоша қилди. Уларнинг қафас ичра тинимсиз сакрашларини, сайрашларини узоқ кузатди. Қушларга қараб юрадиган махсус хизматкорга эргашиб, унга битмас - туганмас саволлар берди.

(Ойбек)

269-машк. Синфда, мактабда, мактаб атрофида жуда кўп нарсалар бор. Сиз уларни ҳар куни, ҳар соатда кўрасиз. Мана шуларнинг номини билдирган отларга мисол келтиринг.

270-машқ. Ўқинг. Исм ва фамилияларни кўчириб ёзинг, шу сўзларга савол беринг.

Қизлар олдинма-кетин ичкарига киришди.

– Исмингиз нима? – сўради аёл юмшоқлик билан.

– Менинг исмим – Раъно, ўртоғимники – Унсин, – жавоб берди Раъно русча сўзларни доналаб.

– Меники – Татьяна Ивановна, – деди аёл кизлар билан кўришиб. Марҳамат, уйга киришлар, Васильевнинг иши жуда кўп, ҳозир келиб қолади. Уйнинг эшигини очиб, ичкарига таклиф қилди қизларни у. (О.)

271-машқ. Кўчиринг. Отларнинг тагига чизинг.

Сени безар, хой арча, чирок, конфет, юлдузча. Атрофингда куйлайди ҳар ўғилча, ҳар кизча. Имлоси қийин сўзларни луғат дафтарга ёзиб бориш зарур. Хадичахон турган жойида котиб қолди.

272-машқ. Ўқинг. Отларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.

Она мушук болаларни ўйнатар эди. Бир бургут учиб келиб, мушук болаларига хужум қилди. Бир мушук болани тутиб олди. Она мушук бургутнинг устига ташланди. Бургут ўткир тирноқлари билан она мушукни тирнаб ташлади. Она мушук бургутни бўғиб ўлдирди.

273-машқ. Нуқталар ўрнига гапнинг мазмунига мос отларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

Санъат китобни кўп ўқийди, чунки у ... ни севади. Мусобақада 5-синф ютди. Бу ... ўқувчиларни хурсанд қилди. Онам бизга меҳрибон. Бу ...нинг чеки йўқ. Карим кўп ухлайди. Кўп ... дангасалик белгисидир.

274-машқ. Сўзларни ўзи боғланган от билан биргаликда кўчиринг.

Менинг укам расм чизишга қизиқади. Сенинг уканг расм чизишга қизиқадими? Бизнинг боғимиз катта. Раҳимларнинг боғи чиройли.

275-машқ. Ўқинг. Отларни аниқланг.

Бир куни Бўстонбек мактабдан келса, қалдирғоч ўзига шерик топиб олибди. Шеригига уй ва айвонларни кўрсатиб, айлантириб юрибди. Товуши баланд, қувноқ жаранглайди.

Жуфти айвонга чиққан Бўстонбекдан чўчиб, хавфхатардан огохлантиргандек, ваҳимали овоз чиқариб шифтда айлана бошлади. У кишлаб қолган қалдирғочни ташқарига кочиб чиқишга даъват килар эди.

276-машқ. Берилган сўзларни қуйидаги тартибда ёзинг:

1) нарсалар, 2) касблар, 3) табиат ҳодисалари.

Тўн, дастурхон, қуёш, дурадгор, ёмғир, чумоли, нонвой, қор, қуш, гул, момақалдирак, табиб, мусича, дўл.

277-машқ. Ребусни ечинг.



ТОЖИ



ОТЛАРДА БИРЛИК ВА КЎПЛИК

278-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларга эътибор беринг.

БАҲОР

Баҳор келди. **Кунлар** исиди. **Қушлар** учиб кела бошлади. **Ўтлар** кўкарди. **Лолалар** очилди. **Болалар** лола тердилар. Арикларда **сувлар** шилдираб оқа бошлади.



Отлар бирлик ва кўплик сонда келади. Бирлик сондаги отлар бир предметни билдиради. Кўплик сондаги отлар бирдан ортиқ предметни билдиради.

Отлар кўпликда *-лар* қўшимчасини олади.

279-машқ. Бирликдаги отларни кўпликдаги отларга айлантириб кўчиринг. Шу кўпликдаги отлардан қатнаштириб иккита гап тузинг.

Майна, кўчат, сув, рўмол, чўпон, гишт, қурувчи, олча, ўғил, буюм, бола, ўйинчок.

280-машқ. Ўқинг. Матнда берилган кўпликдаги отларни аниқланг.

БОҒЧАДА

Шаҳодат ўқийдиган мактаб ёнида болалар боғчаси бор. Боғчада кичкинтойлар тарбияланади.

Бир куни Шаҳодат боғчага кирди. Кичкинтойлар Шаҳодатга салом беришди. Шаҳодат кичкинтойларни севиб қолди. Уларга қоғоздан ўйинчоқлар ясаб берди. Ашулалар ўргатди.

Кеч кирди. Шаҳодат уйига қайтди. Шундан бери Шаҳодат боғчага келиб турадиган бўлди. У кичкинтойларни, кичкинтойлар эса уни жуда севиб қолишди.

281-машқ. Топишмоқни кўчиринг, кўпликдаги отларни бирликдаги отларга айлантинг.

Бордир катта дастурхон,
Унда олам намоён.
Дарёлару ўрмонлар,
Тоғлар, дашту уммонлар.
Деворга ўрнатганмиз,
Дарсини ўрганганмиз.
– Бордир кичик-каттаси,
Дунёнинг ...

282-машқ. Кўчиринг. Гапларда берилган кўпликдаги отларни топиб, тагига чизинг.

Қадим замонларда асал тўплаш учун одамлар ўрмонларга боришган. Ёввойи асаларилар яшайдиган дарахт ковакларини топиб, асал олишган.

283-машқ. Расмга қараб ҳикоя тузинг. Бирлик ва кўпликдаги отларни аниқланг.



284-машқ. Кўпликдаги отларни бирликдаги отларга айлантириб ёзинг.

Гуллар -
мевалар -
китоблар -
ўрмонлар -
ўтлоқлар -
куёнлар -

СИФАТ



Расмларни кўриб, предмет белгиларини айтинг ва ёзинг.





Предмет белгисини билдириб, қандай? қанақа? сўроқларига жавоб бўлган сўзлар сифат дейилади. Гапда иккинчи даражали бў-лак вазифасида келади.

285-машқ. Сифатларни аниқлаб, ўзи боғланган от билан биргаликда кўчиринг.

ҲУШМАНЗАРА ҚИШЛОҚ

Баланд тоғлар ораси
Яшил қишлоқ.
Создир чўл манзараси,
Ширмон булоқ.
Бир ёни Қирғизистон,
Айлана тоғ,

Бир томони Аравон,
Яшил чорбоғ.
Тотли тиниқ ва илиқ
Шўх сувлари.
Сувларидан хушкилик
Охулари.

286-машқ. Шу ҳайвонларнинг яна қандай белгиларини биласиз?

Қуён - зийрак, ...;
йўлбарс - катта, ...;

бўри - кул ранг, ...;
тулки - сариқ,

287-машқ. Рангни ифодалаган сифатларни аниқланг ва кўчиринг.

Боғда қип-кизил олмалар пишди. Расул, столдаги кўк дафтарни олиб юбор. Ҳилола ширин овкат тайёрлади. Бахор фасли жуда чиройли фасл. Нигора оқ шапкада, енгил курткада елиб борар эди.

288-машқ. Мақолларни ўқинг, сифатларни аниқланг. Кўчиринг, сифатлар гапнинг қайси бўлаги вазифасида келганлигини аниқланг.

Яхши қиз – ёқадаги кундуз, яхши ўғил – кўкдаги юлдуз.
Илмли – минг яшар, илмсиз – бир яшар. Тегирмонга тушса,

бутун чиқади. Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб гул бўласан; эгри бўлсанг, ўсиб бориб кул бўласан.

289-машқ. Кўчиринг. Маза-таъм, хил-хусусият ва ранг-тусни билдирган сифатларни ажратиб ёзинг.

Ширин, яшил, ёқимли, ўткир, ёмон, аччиқ, қизил, хушёр, нордон, кувноқ, кўм-кўк, мазали, ишчан.

290-машқ. Сифатларни аниқланг, кўчиринг.

Сенсираш, манманлик, димоғдорлик нодонлик аломатидир. Шу боисдан ҳам «сиз» раҳмат келтирса, сенсираш ҳар қандай кишида нафрат туйғусини уйғотади. Шунини ҳам айтиш керакки, одобда катта-кичик, икир-чикир деган гап бўлмайди. Ҳамма нарса эътиборга олинмоғи лозим, ҳамма нарсага: яхши хулқ, яхши одоб, ибратли фазилатга ёшлиқдан одатланмоқ керак. Бир қараганда, «сен» билан «сиз» ҳам кичик, кўзга чалинмагандай туюлади-ю, аммо бу сўзлар ўзида чуқур маънони англатади.

291-машқ. Ўқинг. Ҳар бир қатордаги сўзларни ўз ўрнига кўйиб, гап тузинг ва ёзинг.

Ўқийдилар, озода, синфда, ёруғ, ва, ўқувчилар.

Кирдилар, ўқувчилар, синфга.

Шеърни, ёдлади, ўткир.

Кўчирди, Сайёра, дафтарига, чиройли, қилиб, машқни.

292-машқ. Ўқинг. Сифатларни аниқлаб, гапнинг қайси бўлаги вазифасида келганини айтинг.

Шерзод – ақлли, аълочи ўқувчи. Йўлчи гапни диққат билан тинглади. Аскарнинг онаси моҳир тўқувчи. Ўқиш – ҳар бир ўқувчининг энг шарафли бурчи.

293-машк. Шеърни ифодали ўқинг. Сифатларни аниқлаб, предметнинг қандай белгисини англатаётганини айтинг.

Бокка кирсам олмалар,
Қип-қизариб пишибди.
Силкитибди шамоллар
Ерга тўп-тўп тушибди.

Мазасини тотаман,
Аъло эрур қандан ҳам.
Бундай ширин олмани,
Мен кўрганман камдан-кам.

Шеърдаги «ширин» сўзига синоним бўлган сифатларни топинг.

294-машк. Гапларни ўқинг. Сифатларни ўзи боғланган от билан бирга кўчиринг.

Ўзбек халқи жуда меҳмондўст халқ. Мактанчоқ бўлманг, хижолат чекмайсиз. Унинг бадани совуқ шамолдан титрарди. Осмон мусаффо, юлдузлар чараклайди. Ботир ота ўғлини жўнатиб, ҳовлида ёлғиз қолибди. Мансур ишчан бола.

295-машк. Қуйидаги сифатларга берилган сўзлардан синоним сифатлар танлаб, намунадагидек ёзинг.

Намуна: Аввалги, бурунги, илгариги.

Батафсил, виждонли, иноқ, ишчан, катта, кучли, лапашанг, мазали, одобли, охирги, сахий, сезгир, узоқ, хавфли, хасис, хурсанд, чиройли, яхши, қобилиятли, қувноқ.

296-машк. Сифатларни ўзи боғланган от билан биргаликда ёзинг.

Оқ пахта, оппоқ пахта, ипакдек юмшоқ пахта. Оқ пилла, сариқ пилла, пилламас, асил тилла. Лўппи, дўндик қўзичоқ. Эркинга қалин ўртоқ. Тоза ҳаво, тоза сув, озод Ватан сеники.

297-машқ. Нукталар ўрнига шу турдаги сифатлардан мосини танлаб ёзинг.

Ранг - тус: қизил, ..., ...,

Ҳажм - шакл: япалоқ, ..., ...,

Маза - таъм: ширин, ..., ...,

298-машқ. Қуйидаги сифатларнинг антонимларини танланг.

Катта, чиройли, баланд, гулли, ширин, ўткир, қалин, кенг, рост, кекса, узун, очик, яхши.

299-машқ. Предметларнинг белгисига кўра топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Маржон - маржон юмалоқ,
Япроқлари япалоқ.
Қора, қизил, сарик, ок,
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ.
2. Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
3. Дум-думалоқ жажжи ой,
Чақиб есанг, ғиж-ғиж мой.

300-машқ. Берилган сифатларнинг синонимларини танлаб кўчиринг.

Кўркам, сезгир, озғин, катта, соф, чаккон, чиройли, қатма, эпчил, зийрак, тоза, улкан, қувноқ, тоқ, ялқов, жасур, хурсанд, қахрамон, дангаса, пишиқ, дағал, силлиқ, равшан, тиниқ.

301-машқ. Баҳор фаслининг кўринишини сифатлар ёрдамида таърифлаб беринг.



302-машқ. Берилган сифатларга мос отларни танлаб кўчиринг.

Бахтли ҳаёт, оқ ..., совук ..., ёруғ ..., баланд ..., илғор ..., қора ..., кенг ..., кизил ..., мевали ..., муҳим

Сўзлар: дала, пахта, юлдуз, сув, ўқувчи, тоғ, дарахт, қалам, чинни, топишириқ.

303-машқ. Мақолларни ўқинг, сифатларни аниқлаб, кўчиринг.

Яхши қанд едирар, ёмон панд едирар. Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл. Яхшини мақтасанг ярашур, ёмонни мақтаган адашур. Ёмонни танқид қилади, яхшига таклид қилади. Бол ширин, болдан ҳам бола ширин.

304-машқ. Эртақни ўқинг. Сифатларни аниқлаб, қайси сўз билан боғланганини айтиб беринг.

Подшо ўз вазирига дунёдаги энг ширин гўштдан кабоб қилиб келтиринг, дебди. Боши қотиб, ўйланиб ўтирган отасини кўрган кизи ундан бунинг сабабини сўрабди. Сабабини билгач: «Шунга ҳам ота гўри қозихонами, битта кўйни сўйдилинг, тилини кабоб қилиб олиб боринг, гуноҳкор қилса, мен кафил», – дебди. Подшо гўштни еб: «Энди ёмон гўштдан кабоб қилиб келтиринг», – дебди. Буни эшитган киз отасига қараб: «Яна бир кўйни сўйдилингда, тилини кабоб қилиб олиб боринг», – дебди. Вазир қизининг айтганини қилиб, подшонинг олдига киритган экан, подшо: «Қилган ишингиз жойида, бу сизнинг яхши билимдон эканлигингиздан далолат беради», – дебди. Шунда вазир: «Тақсир, гуноҳимдан ўтсангиз, тўғриси айтмай», – дебди ва подшога бу ақл кимдан чиққанини айтиб берибди. Шунда подшо вазирнинг қизини чақириб: «Қизим, нима учун тилни ҳам ёмон, ҳам яхши гўштлар қаторига санадингиз?» – дебди. Шунда киз: «Подшоҳим, кишининг бошига яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тилдан келади», – деб жавоб берган экан.



Режа асосида баён ёзинг.

РЕЖА:

1. Подшонинг тилаги.
2. Вазирнинг боши қотди.
3. Қизнинг жавоби.

305-машқ. Ўқинг. Сифатларни аниқланг.

КАМТАРЛИК

Камтарликни ўзига «либос» қилиб олган кишилар ҳаётдаги энг яхши, соф виждонли кишилар бўлиб, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай лавозимда тўғри ва ҳаққоний йўл ту-

тадилар, тўғри сўзлаб, тўғри юрадилар, олийжаноб ва раҳм-шафқатли, ҳамма ишни саранжом, осойишта бажарадилар. Манманликка, дабдабозликка, муболаға-бўрттиришларга, ёлғонга йўл қўймадилар.

306-машқ. Сифатларни аниқлаб, ўзи боғланган от билан биргаликда кўчиринг.

Биз саёҳатга чиқдик. Кечгача тоза ҳавода сайр қилдик. Атир гуллардан гулдаста ясадик. Кўм-кўк майсалар устида ўйнадик. Гулларнинг хушбўй хидини ҳидладик. Хурсанд бўлиб уйга қайтдик.

307-машқ. Сифатлардан фойдаланиб, ўз мактабингиз ёки яшаш жойингизни тасвирланг.

308-машқ. Кўчиринг, ажратиб кўрсатилган сифатларга синонимлар танланг.

Ўқиш – жуда катта бахт. Ўқиш – ҳар бир кишининг шарафли бурчи. Ўқиган киши табиатнинг ажойиб ҳодисаларини тўғри тушунади. Бахтли яшаш учун нималар қилиш кераклигини яхши билади.

309-машқ. Расмга қараб гап тузинг. Тузган гапларингизда сифат иштирок этсин.



310-машқ. «Адабий ўқиш» китобингизнинг 49-саҳифасидаги сифатларни кўчиринг.

311-машқ. Гапларни кўчириб, сифатларнинг тагига чизинг.

Майин шамол эсди. Дарахтларнинг шоҳидаги майда гуллар тебранди. Бирдан каттиқ ёмғир ёғди ва дўлга айланди. Ерга йирик дўл доналари сочилди. Табиатнинг ёмон об-хавоси йўқ.

ФЕЪЛ

Феъл – сўз туркуми.

Предметнинг ҳаракатини билдириб, *нима қилди?*, *нима қиляпти?*, *нима қилмоқчи?* каби сўроқлардан бирига жавоб бўлган сўзлар феъл дейилади.

Феъл гапда кесим бўлиб келади.

312-машқ. Нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос феъл қўйиб, гапларни кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.

Дехқонлар ер ҳайдайдилар, экин,, ҳосилни Тикувчи, Дурадгор, Шифокор касални, ...

Қўйиш учун сўзлар: *бичади, тикади, арралайди, рандалайди, кўради, даволайди, экадилар, сугорадилар, йигиб оладилар.*

313-машқ. Саволлар ўрнига предмет ҳаракатини билдирган сўзларни қўйиб ёзинг.

1. Овчи (*нима қиляпти?*)
2. Ўқитувчи (*нима қилади?*)
3. Булбул боғда (*нима қиляпти?*)
4. Болалар мактабга (*нима қилдилар?*)
5. Хонанда саҳнада (*нима қиляпти?*)
6. Далада иш (*нима қилди?*)

Қўйиш учун сўзлар: овляяпти, сайраяпти, бордилар, қизиди, ўқитади, куйлаяпти.

314-машқ. Расмга қараб ҳикоя тузинг ва ёзинг. Ҳикоя тузишда куйидаги саволлардан фойдаланинг.

1. Болалар нима ясадилар?
2. Улар қайиқчани қаерга олиб бордилар?
3. Сувга нимани кўйиб юбордилар?
4. Қайиқча қаерга оқиб кетди?
5. Ким сойга йикилди?



315-машқ. Ўқинг. Феълларни аниқланг ва гаптаги вазифасини айтинг, тагига чизинг.

Баҳор келди. Табиат уйқудан уйғонди. Боғларда, кир-адирларда, водийларда майсалар кўкарди. Дарахтларда қушлар чуғурлаша бошлади. Баъзи қушлар эса тумшукларига лой, хас-чўп олиб, қишда бузилиб кетган эски инларини қайтадан тиклашяпти.

316-машқ. Ўқинг. Феълларга сўроқ бериб ёзинг.

1. Ёмғир тинмай (нима қилди?) ёғди.
2. Карим мактабга борди.
3. Шамолда дарахт барглари тўкилади.
4. Тикувчи кўйлак тикади.
5. Қушлар баланд осмонда учмоқда.
6. Кимдир эшикни тақиллатяпти.

317-машқ. Топишмоқларнинг жавобини топинг, қайси сўз туркумига киришини айтинг.

1. Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.
2. Чопса чопилмайди,
Кўмса кўмилмайди.
3. Ҳаммага тўн тикади, ўзи яланғоч.

318-машқ. Ўқинг. Феълларни аниқланг.

Автобус силкинди. Тиниқ кўкда оқ булут парчалари кўринди. Тоғ орасидан аста шамол кўтарилди. Кечкурун қалин қилиб сув сепилган асфальт йўлканинг нами тарқалган.

319-машқ. Кўчиринг. Феълларни аниқлаб тагига чизинг.


Денгиз ёзда атрофдаги ҳароратни пасайтиради, қишда эса илитади. Болалар турли китоб ўқиб билимларини бойитдилар. Олимлар Ернинг сунъий йўлдошини ихтиро қилдилар. Эргаш ўзи ёзган шеърни ўқиди.

320-машқ. Нуқталар ўрнига феълларнинг мосини кўйиб кўчиринг.

Осмонда юлдузлар Қаҳратон қишда сув усти Тоғ орқасидан куёш Далада иш Ўқувчи ўқитувчи сўзини диққат билан

Қўйиш учун сўзлар: музлайди, порлайди, кўринди, кўпайди, тинглайди.

БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗ ФЕЪЛЛАР

 **Феъллар бўлишли (бордим) ва бўлишсиз (бормадим) шаклда қўлланади. Бўлишли феъл негизига -ма қўшимчаси қўйиш орқали бўлишсиз феъл ясалади.**

Бор - борма	кўрди - кўрмади
келди - келмади	ухлади - ухламади
ёзди - ёзмади	бажарди - бажармади
ўқиди - ўқимади	безади - безамади

321-машқ. Ўқинг. Бўлишли ва бўлишсиз феълларни аниқлаб, тагига чизинг.

Зафарнинг ховлисидан кушлар сира кетмайди. Чунки у кушларга озор бермайди. Дарахтларга инлар ясайди. кушларнинг сайрашини мароқ билан тинглайди. Кушлар бизнинг дўстимиздир.

322-машқ. *Ўқи, тик* феълларини бўлишсиз феълларга айлантириб гап тузинг.

323-машқ. Нукталар ўрнига отларга мос феълларни қўйиб кўчиринг ва тагига чизинг.

Қорлар Кунлар Баҳор Кушлар Чумолилар Чакмок Ёмғир

Қўйиш учун сўзлар: эриди, келди, исиди, ўрмалади, ёғди, чақди.

324-машқ. Ўқинг, феълларни топинг. Қайси феъллар ҳаракатнинг бажарилганлигини билдираётганини айтинг.

1. Дарсда мен ўқидим. Равшан ўқимади. 2. Кеча мен кинога бормадим, Турғун борди. 3. Мактаб тажриба участкасида Раҳим ишлади. Дилшод ишламади. 4. Мақолани Азиза ёзмоқчи эмас, Дилдора ёзмоқчи.



Бўлишли феъллар бажарилган, бажарилаётган, бажариладиган ҳаракатни билдиради: ёзди, ёзпти, ёзмоқчи. Бўлишсиз феъллар бажарилмаган, бажарилмаётган, бажарилмайдиган ҳаракатни билдиради: ёзмади, ёзмапти, ёзмоқчи эмас.

325-машқ. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг, қандай феъл эканини айтинг ва ёзинг.



1. Ўтда ёнмайди,
сувга ботмайди.
2. Икки ака-ука яшайди,
Бир-бирини кўрмайди.
3. Ёзда кийинади,
Қишда ечинади.

326-машқ. Аввал бўлишли феълли гапларни, кейин бўлишсиз феълли гапларни кўчиринг.

Биз китобни севиб ўқиймиз. Китобни яхши сақлаймиз. Варақларини букмаймиз. Ручка билан чизмаймиз, ёзмаймиз. Китобни ифлос қилмаймиз. Китоб ичига қалам ёки ручкани қўймаймиз. Китобни йиртмаймиз.

327-машқ. Матнини кўчиринг. Бўлишли феълларнинг тагига чизинг.

Саида билан Санобар жуда инок. Улар бир мактабда ўқийдилар, бирга дарс тайёрлайдилар. Ёш хаваскорлар тўғарагига ҳам қатнашадилар. Мана икки кундирки, дугоналар кўчага чикмайди. Чунки улар ҳозир кичкина оккушлар ўйинини ўрганишяпти. Яқинда мактабда ўтказиладиган кечага шу ўйинлари билан қатнашмоқчилар.

328-машқ. Бўлишли ва бўлишсиз феълларга бештадан сўз ёзинг.

329-машқ. Бўлишсиз феълларни бўлишли феълга айлантириб ёзинг.

Раҳим ёшлигидан шахматга кизиқди. У мактабда шахматшашка тўғарагига аъзо бўлди. Тўғарак машғулотларига мунтазам қатнашмади. Тўғарак раҳбарининг топшириқларини ўз вақтида бажармади, шунинг учун у шахмат мусобақасида голиб чикмади. Кимки танлаган хунарини билиб олишга кунт билан киришмаса, у хунарни яхши эгаллай олмайди.



Сиз қайси тўғаракка қатнашасиз, сўзлаб беринг.

330-машқ. Нуқталар ўрнига керакли сўзни кўйинг, феълларга сўрок кўйиб кўчиринг.

Офтоб кун бўйи Курсига Отанинг кўзи майда балиқчаларга Балиқлар тол тагидаги ховузчада Ота узок У дам олгач уйига

Кўйиш учун сўзлар: *борди, қиздирди, тушди, ўтирди, тикилди, ўйнадилар, қайтди.*

Намуна: *Офтоб кун бўйи (нима қилди?) қиздирди.*

331-машқ. Мақолларни кўчиринг. Бўлишсиз феълларнинг тагига чизинг.

1. Бугунги ишни эртага қўйма. 2. Вақтинг кетди – бахтинг кетди. 3. Сени иш енгмасин, сен ишни енг! 4. Яхши дўст – жон озиғи. 5. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан. 6. Мардни меҳнат енголмас.

332-машқ. Шеърни ўқинг. Бўлишсиз феълларни кўчиринг.

КОВУНЛАР

Ананас касир-қусур,
Пичоққа илинмайди.
Оқуруғ – майиз, ҳолва,
Пўчоғи билинмайди,
Кўкча, чўғир, газ бўйи,
Умрбоқий дегандек,

Лабни-лабга боғлайди
Қизил қантак егандек.
Бўрикалла, асати,
Кўк турнасин айтмайман.
Минг тил билан сўзлаб ҳам
Мақтовига етмайман.

(Толиб Йўлдош)

333-машқ. Эртақни ўқинг ва режа тузинг. Тузган режангиз асосида баён ёзинг. Феълларни аниқлаб, уларнинг бўлишли ёки бўлишсизлигини айтинг.

ТУЛКИ БИЛАН МАЙНА

Бир майна арчага ин қўйиб, бола очибди. Унга кўзи тушган тулки арча тагига келиб, бақира бошлабди:

– Омоч ясаш учун шу арчани кесиб оламан.

Бу гапдан кўрқиб кетган майна:

– Жон тулкижон, кесма! Инимни бузиб, болаларимни нобуд қилма, – деб ялина бошлабди. Шу пайт бир қарға келиб қолибди. У майнага:

– Сен кўп қайғурма, майнажон! Унда болта йўқ-ку! Нима билан кесади? – дебди. Тулки арчани думи билан йиқитмоқчи бўлибди, лекин йиқита олмабди. Энди айёр тулки қарғани

тутиб олиш учун ўзини ўлганга солиб ётибди. Шунда қарға тулкининг бошига қўнибди. Айёр тулки шу захоти уни тутиб олибди.

Қарға кўз ёшларини оқизиб ялина бошлабди:

– Тулкижон, мени фақат бобомни ўлдиришгандай қилиб ўлдирмагин. Бечора бобомни ғилдиракнинг гупчагига тиқиб ўлдиришган экан. Тулки қарғани атайин бобосидек қийнаб ўлдирмоқчи бўлибди. Қаердандир ғилдирак топибди-да, қарғани унинг гупчагига тиқибди. Қарға гупчакнинг иккинчи томонидан чиқиб учиб кетибди.

(Латин халқ эртаси)

334-машқ. Ўқинг. Феълларни топиб, саволларни намунадагидек ёзинг.

Намуна: *Сен бунақа чироқни (нима қилмагансан?) кўрмагансан.*

Сен бунақа чироқни кўрмагансан. Самад сувга интилди, лекин қониб ичолмади. Мен кун бўйи овга тайёрландим. Биз бу ерга машиналар билан келдик. Сиз кўшиққа ўчлигимни билдирдингиз.

335-машқ. Ўқинг. Феълларни топиб, гаптаги вазифасини айтинг. Феълларнинг тагига чизинг.

Биз тоққа чиқмоқчимиз. Мен дастурхонга нонушта учун нарсалар тайёрладим. Салима китобни ўқияпти. Автобус бекатда тўхтади. Болалар сайхонликда футбол ўйнамоқчилар. Комбайн ғаллани ўряпти ва янчяпти.

336-машқ. Шеърни ўқинг. Бош бўлақларнинг тагига чизинг.

КАСАЛАК

Ховлим гулли бир боғдир,
Мен ўйнайман, яйрайман.

Гунчаларга шеър айтиб,
Булбул бўлиб сайрайман.

337-машқ. Матнни ўқинг. От, сифат ва феълларни аниқланг, уч устунга ёзинг.

САРИШТА ҚИЗ

Меҳри опа одатдагидек ишга жуда барвақт кетди. Унинг уйидан кўнгли тинч. Чунки қизи Нилуфар укаларига қараб турадиган дастёр бўлиб колди. У бу йил учинчи синфда ўқийди. У мактабда ҳам, уйда ҳам болаларга намуна бўляпти. Нилуфар доимо уйларни тозалаб, идиш-товоқни ювади, ука ва сингилларини кийинтиради. Меҳри опа қизидан ғоят мамнун. Нилуфарнинг ўқитувчилари ҳам ундан хурсанд. У синфда аълочилар сафидан ўрин олган.

338-машқ. Ўқинг. Феълларни сўроқлари билан намунадагидек ёзинг.

Намуна: Тонг (нима қилди?) отди.

Тонг отди. Тоғ орқасидан қуёш нурини сочди. Ёкимли шабада эсди. Опам ҳовлига сув сепди. Мен чиннидек қилиб супурдим. Биз супага жой қилдик. Чой қайнади. Ҳаммамиз ўтириб нонушта қилдик.

339-машқ. Ўзингиз тўртта гап тузинг, бош бўлақларнинг тагига чизинг.

340-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўрок беринг, улар қайси сўзга боғланганлигини айтинг.

АСАЛАРИЛАР

Сиз асаларилар меҳнатини кузатганмисиз?

Битта митти асалари бир килограмм асалга етарли шира йиғиш учун **уч юз минг** километр масофага учади ва 19 миллион гулга қўнади.

Асалари соатига **60 км** тезликда учади ва ҳар куни тахминан **7000** гулга қўнади.

Асалари **30-35** кун яшайди.

Асал асалариларнинг кишки овқатидир. Асаларилар ёз бўйи тинмай меҳнат қилади.

(*Болалар энциклопедиясидан*)



Предметнинг саноғи ёки тартибини билдирган сўзлар сон дейилади.

Предметнинг саноғини билдирган сонлар *қанча?* ёки *нечта?* сўроғига жавоб бўлади.

Етти бола, тўртта китоб.

Предметнинг тартибини билдирган сонлар *нечанчи?* сўроғига жавоб бўлади.

Учинчи бригада, тўртинчи синф, олтинчи уй.

Сон кўпинча отга боғланиб, гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.

Бир жуфт майна бир йилда 150 мингта чигирткани йўқ қилиши мумкин.

341-машқ. Топишмоқларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Ўзи **бир** қарич,

Қуйруғи **ўн бир** қарич.

2. **Бир** ўра, **бир** ўранинг ичида **минг** ўра.

3. **Бир** дарахтда **ўн** икки буток,
Уч юз олтмиш **беш** япрок,
 Япроқларнинг **бир** ёғи қора,
Бир ёғи оқ.
4. **Икки** она, ҳар бирида беш бола,
 Ҳаммасининг оти бир.
 Булар нима?
5. Ўзи **битта**, қулоғи **тўртта**.

342-машқ. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни топинг. Уларни ўзи боғланган от билан биргаликда ёзинг ва сонларнинг тагига тўлқинли чизик чизинг.

Пахта юртимиз бойлигидир. Агар бир чанок пахта қолдирилса, бир гектар ердан 80 килограмм пахта нобуд бўлади. Бу пахта териб олинса, 240 метр газлама тўқилади. Бу газламадан 48 та кўйлак тикиш мумкин. 1000 дона ғалтак ип ўралади.

800 килограмм пахтадан 9 килограмм ёғ, 7 бўлак совун олинади. Пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилманг!

343-машқ. Ўқинг. Аввал *қанча?* ёки *нечта?* сўроғига жавоб бўлган сонларни аниқланг. Предмет тартибини билдирган сонни ўзи боғланган сўз билан биргаликда намунадагидек рақам билан ёзинг.

Намуна: 18-мактаб, 1-синф.

Мен, Равшанов Рустам Камолович, 1991 йил 1 апрелда Ўш шаҳрида туғилдим.

Отам шаҳримиздаги 21-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Онам 8-болалар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайдилар.

Мен 1997 йил 22-мактабнинг 1-синфига ўқишга кирдим. Ҳозир 3-синфда ўқияпман. Синфимизда учта звено бор. Ҳар бир звенода ўнтадан ўқувчи бор. Мен 3-звено бошлиғиман.

Звеномиздаги 5 ўқувчи аълочи. Яна 5 ўқувчи аълочилар каторига қўшилишга ҳаракат қилмоқдалар.

344-машқ. Сўзларни ўқинг, сонларни рақам билан ифодалаб кўчиринг.

Беш юз тўқсон олтинчи уй, икки мингинчи йил, ўнта занжир, еттита стол, ўн саккизинчи магазин, йигирма иккинчи мактаб, ўттизта ўқувчи, йигирма бешинчи март.

345-машқ. Саволларни ўқинг. Уларнинг жавобини ёзинг. Предмет тартибини билдирган сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

Сиз нечанчи йилда туғилгансиз? Қайси йили 1-синфга бордингиз? Ҳозир нечанчи синфда ўқияпсиз? Синфингизда неча ўқувчи бор? Синфингиздаги ўқувчилар неча гуруҳга бўлинган? Сиз нечанчи гуруҳнинг аъзосисиз? Синфингизда қанча аълочи ўқувчи бор?



Предметнинг тартибини билдирган сонлар -инчи ёки -инчи кўшимчаси билан қўлланади.

Предметнинг тартибини билдирган сонлар рақам билан ёзилганда -инчи ёки -инчи кўшимчаси ўрнига чизикча (-) қўйилади:

22-мактаб, 4-синф, 6-уй.

2000 йил, 5 март каби йил, ой номларини билдирган сонлардан кейин чизикча қўйилмайди.

346-машқ. Аввал предметнинг саноғини, сўнгра тартибини билдирган сонларни таълаб, уларни рақам шаклида берилган отлар билан бирга ёзинг.

Мактаб, магазин, бет, йил, бригада, боғча, китоб, қалам, киши, февраль, сентябрь, хона, синф, гуруҳ, дафтар, чинни, уя, кўйлак, апрель.

347-машқ. Кўчиринг. Сонларни аниқланг.

Бир туп гул юз гунча очади. Бир ёғочда ўн икки буток, хар бутокда ўттиз япроқ, япроқнинг бир ёғи қора, бир ёғи оқ. Қуёш ва Ойнинг тутилишига энг бой йил 1935 йил бўлган. Ўша йили беш марта Қуёш ва икки марта Ой тутилган.

Кўйиш учун сўзлар: *бир, юз, икки, саккиз.*

348-машқ. Нукталар ўрнига сонларнинг мосини кўйиб кўчиринг.

... йил тут эккан ... йил гавҳар теради. ... япроқ бир танда, ёзда кезар чаманда. Дарсимиз соат ... бошланади.

349-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Бора-бора хар куни **юз - икки юз** грамм чой ишлатадиган бўлиб қолди. 2. **Биринчи** трамвай **бир минг саккиз юз саксонинчи** йили Россиянинг Петербург шаҳрида юрган эди. 3. Мамлакатимизда йўл ҳаракати қондасига оид қонун **бир минг тўққиз юз йигирманчи** йил **ўнинчи** июнь куни чиқарилган. 4. Қўй, ҳафа бўлма, болам, **бешта** ўғил-қизларим бор, Сен **олтинчиси** бўласан.

350-машқ. Сонларни аниқлаб, ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Ёғочни бир қарич-бир қарич килиб арралай бошладилар. 2. Ҳар бир хумга ўн пақирдан сув кетарди. 3. Гулноза ўнинчи мактабнинг саккизинчи синфида ўқийди.

351-машқ. Атоқли кунларни ёзинг.

Намуна: 1 сентябрь – Билимлар куни.

352-машқ. Сўз туркумларига иккитадан гап тузиб, ёзинг.

353-машқ. Толишмоқларни ўқинг, жавобини айтинг. Сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Бор эди икки пичоқ,
Бирга туришар ҳар чоғ.
Қилган ишлари яхши,
Агар юришса карши,
Шундагина иш битар,
Бичиқчи кийим бичар.
–Ҳозир ўйлаб кўрай-чи,
Осон экан бу - ...
2. Постда сергак турар ўзи,
Уч хил рангда чакнар кўзи.
3. Бир қоп ун, унинг ичида устун.

354-машқ. Сўзларни ўқинг. Ҳар бир сўзни туркумларга бўлиб, жадвални тўлдиринг.

Буғдой, мусича, бешта, ҳалол, хоҳлади, имтиҳон, иситди, ёқимли, енгил, ташишди, саккизинчи, туфли, ўрдак, қопланди, кўм-кўк, 1999 йил, фахрланди, ўн учинчи, даволади, куён, баҳорги, боғ, мўл, ўнтача, эшитилди.

от	сифат	фeyл	сон
буғдой	ҳалол	хоҳлади	бешта

355-машқ. Саволларга жавоб беринг.

Қандай сўз туркумларини билдингиз?

Сон деб нимага айтилади?

Сон неча хил бўлади?

Тартиб сон деб нимага айтилади?

Санок сон деб-чи?

Тартиб сонлар қандай қўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлади?

356-машқ. Шеър топишмоқни ўқинг. Жавобини айтинг.

ТОПИНГ

Хил-хил пишиб оқ шафтоли,
Шохда турар тоқ шафтоли.
Усмон менга берди бешта,
Қани топинг, бари нечта?

 *Ёд олинг.*

357-машқ. Сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

МИНТАҚА ВАҚТИ

Ер думалоқ шаклда. У ўз ўқи атрофида Фарбдан Шаркка томон айланади. У ўз юзасининг турли қисмларини биринкетин қуёш томонга буриб туради. Куннинг чиқиши ер шарининг турли жойларида турли вақтга тўғри келади.

Масалан, Москвада соат 9 бўлса, Тошкентда 12 бўлади. Ана шундай фарқ Минтақа вақти ёки маҳаллий вақт деб аталади.

Агар инсон 70 йил яшаса, ундан 23 йилини ухлаб, 13 йил гапириб, 6 йил овқатланиб ўтказади. 1 ярим йил ювениб, 1 ярим йил кулади. Тинимсиз – фикрлайди.

358-машқ. Сонларни ракамлар билан ёзинг.

Намуна: 46-хона.

Тўртинчи синф, йигирманчи мактаб, қирқ олтинчи хона, ўн иккинчи январь, йигирма иккинчи февраль, ўн саккизинчи март, биринчи май, бир минг тўққиз юз тўқсон саккизинчи йил, биринчи сентябрь, ўн олти нафар ўқувчи, йигирма киши, бешта қалам, саккизта дафтар.

359-машқ. Тартиб сон ва саноқ сон иштирокида иккитадан гап ёзинг.

ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА ЎТГАНЛАРНИ ТАКРОРЛАШ

360-машқ. Матнда нечта гап бор?

Дилшод гербарий йиғиш учун катта альбомни олди. Зафар ойиси олиб келган ўзи юрар машинани ўйнамоқда. Терак нинабаргли дарахтларга нисбатан етмиш баробар кўп кислород беради.



Бу гаплар матн ҳосил қила оладими?

361-машқ. Матни ўқинг, мазмунини сўзлаб беринг.

Ер табиатнинг уч фаслида одамлар учун меҳнат қилади. Халққа нозу-неъмат беради. Қиш кунларида ер мириқиб дам олади. У қор ва ёмғир намларини йиғиб, келгуси йил ҳосили учун асраб туради. Ўзида куч тўплайди. Баҳорда ер инсонга ўз бағрини очади, сахий меҳрини сочади.

362-машқ. Матни ўқинг. Нечта гап борлигини айтинг. Шу матнга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?

Гўзалнинг туғилган кунига ҳамма ўртоқлари келишди. Баходир шеър ўқиди. Нозим ва Гулшод рақсга тушди. Болалар биргаликда «Пахтаой» кўшиғини куйлашди. Гўзал ўзи пиширган нарсалари билан дастурхон бежади. Ҳамма хурсанд бўлди.

363-машқ. Берилган сўзларни эга вазифасида қўллаб, гаплар тузинг.

Анҳор, радио, баҳор, кўнғироқ.

364-машқ. Чизиклар ўрнига гапларнинг мазмунига мос сўзларни қўйиб кўчиринг.

1. Болалар ___ акани мактаб ___ кутишарди. Баҳодир ака ___ кириб келди. Баҳодир ака ___ автобусга таклиф қилди.

Қўйиш учун сўзлар: болаларни, Баҳодир, ҳовлисида, соат учларда.

365-машқ. Расмга караб ҳикоя тузинг.



366-машқ. Сўзларни ўқинг ҳар бир сўзда нечта товуш борлигини аниқланг.

Мультфильм, Маъмура, ертўла, англамоқ, ҳарф, альбом, маъради.

Товушга қараганда ҳарфлари кўп бўлган сўзларни ёзинг.

367-машқ. Топишмоқни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғинга бўлиб ёзинг.

Ховлимизда ўсади,
Ҳиди гулдан ўтади.
Баргини тўғраб ойим,
Овқатга солар доим.

368-машқ. Нукталар ўрнига тегишли унлиларни қўйиб маттни кўчиринг.

Ам...ким қ...рда чўпон. У қ...й, қўзиларни б...қади.
Қўзич...қлар жуда ...ш. Улар ...вқат ея олмайди. Мен ама-
кимга ёрд...млашаман. Қўзичоқларни чўмилтир...ман. Улар-
га с...т бераман. Катта бўлсам, амакимдек ч...пон бўламан.

369-машқ. Ҳар бир гапнинг мақсадга кўра турини айтинг.

Қурбон ака Солининг келишини сабрсизлик билан кутияп-
ти. Ҳалимбой, неварам зерикиб қолмасин. Бувам раиснинг
ишбилармонлигини роса мактадилар. Ким туғилган жойи-
нинг тарихини яхши билади?



Буйруқ гапни топиб кўчиринг.

370-машқ. Маттни ўқинг. Гапларнинг чегарасини аниқланг.

Азим иккита кийик боласини анчагача сут билан боқди
кийикчалар ўт-ўлан ейдиган бўлди Азим битта кийикчани
Азизга совға қилди иккинчи кийикчани мактаб жонли бур-
чагида боқишга қарор қилди ҳозир ўша кийик мактаб жон-
ли бурчагида яшаяпти.

371-машқ. Дарак гапларга мос сўроқ гаплар тузинг.

Баҳор жуда эрта келди. Гуллар ҳам гунчалаган. Ўрик-
ларнинг данаги кота бошлаган.

372-машқ. Расмга қараб дарак, сўроқ ва ҳис-ҳаяжон гап тузинг.



373-машқ. Матнни ўқинг. Эга ва кесимни топиб, тагига чизинг.

Ўқувчилар мактабга келдилар. Улар спорт кийимларини кийдилар. Мактабда мусобақа ўтказилди. Раъно сакради. Акмал югурди. Мусобақа ғолибларига мукофот берилди.

374-машқ. Топишмоқни ўқинг ва жавобини айтинг. *Нима қилди?* сўроғига жавоб бўлган сўзларнинг тагига икки чизик чизинг.

Темир йўлда юради,
Баланд уйлар куради.
Доим бирга юради,
«Дук-дук» уриб туради.

375-машқ. *Кўнгирок, дарс, ўқувчилар, ўқитувчи* сўзлари эга бўлиб келган тўртта гап тузинг. Тузган гапларингиздан кичик хикоя ҳосил бўлсин.

376-машқ. Мақолларни ўқинг. Антоним сўзларни жуфти билан ёзинг.

Яхшилик нур келтирар, ёмонлик зулмат. Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар. Ёмонга кун ҳам қоронғу, тун ҳам қоронғу. Одоби бола элга манзур. Оз сўзла, кўп тингла.

377-машқ. *Юз, янглишди, юмшоқ* сўзларига синоним сўзлар танлаб ёзинг.

378-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларга антоним сўзлар танлаб ёзинг.

Саҳий киши, зийрак бола, қатта дарё, олис йўл, енгил иш, иссиқ кун, тоза кўйлак.

379-машқ. Расмни кўринг. От, сифат, феъллардан фойдаланиб, оғзаки ҳикоя тузинг.



380-машқ. Кўчиринг. От, сифат, феълларни аниқланг.

Боғ гўзал. Унда қуёш ва шамолнинг, гуллар ва майсаларнинг қувноқ ўйини кун бўйи давом этади. Боғнинг ҳар бур-

чагида ўзга бир латофат, ариқларда сув кумушланади. Бир ёқда мевали дарахтлар майин шабадада япроқларни силкитади.

381-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган отлар нима учун бош харф билан ёзилганини тушунтиринг.

Бобуржон Ҳамроқулов Ўш шаҳридаги **Қирғизистон** кўчасида туради. **Оқбура** дарёси **Қирғизистоннинг** кўп ерларини суғоради. **Турсунойнинг** бувиси **Шарқ** кишлоғида туради. Биз баҳорги таътилда **Сулаймон** тоғига саёҳатга чикдик.

382-машқ. Ўқинг, сифатларни аниқланг. Сифатларни ўзи боғланган отлар билан биргаликда кўчиринг.

ЎРМОНДАГИ ҲОДИСА

Баҳор. Қорлар эрий бошлаган, тоғ чумчуқлари учиб кела бошлаган пайт эди.

Тоғ чумчуқлари баргсиз дарахт шохларида сакраб-сакраб, қор эриган ерларга овқат излаб учиб тушишарди. Тоғ чумчуқлари чиройли, тумшуғи кип-қизил, бўйинлари бинафша ранг, канотларида оқ попуклари бор.

Рашид кичкинагина, сочма ўқ билан отиладиган милтигини олиб, ўрмондаги сўкмоқ йўлдан кетаётган эди. Бирдан Рашиднинг рўпарасидан кулранг, кичкина, олғир қирғий осмонга кўтарилди. Рашид қирғийнинг чангалидаги тоғ чумчуғини кўриб қолди.

Рашид тезда елкасидан милтигини олиб, ўқ узди. Ўқ қирғийга тегди. Қирғий жонсиз ҳолда ерга тушиб, чангалларини ёзиб юборди. Унинг чангалидаги тоғ чумчуғи пир этиб учиб кетди.

383-машқ. Чизиклар ўрнига берилган сифатлардан мосини кўйиб, шеърини ўқинг.

МАНЗАРА

___ гилам устига
кимдир олча сочибди,
Олчаларни теришга
Гулнора киз чикибди.

Борса, бу гилам эмас,
Майсазор дала экан.
Олча деб ўйлагани
___ лола экан.

Сўзлар: *яшил, қип-қизил.*

384-машқ. Чизиклар ўрнига берилган феъллардан мосини кўйиб, матнни кўчиринг.

Бу ерда беш юз метр масофага чопиш мусобақаси ____.
Маррага озгина қолганда, Олим бирдан қоматини олдинга
____, бор кучини тўплаб, ўкдай ____.
Болаларнинг гулдурос қарсақлари остида лентани ____.

Сўзлар: *эгди, давом этмоқда, узди, отилди.*

385-машқ. Матнни ўқинг. Феълларни аниқланг.

Икки вилоят ўртасидаги чегара йўқолиб, Юлдузистон яхлит мамлакатга айланди. Али-Абдурахмон яна бош вазирлик лавозимини эгаллади. Саройда хуфия ишлар бошлиғи деган мансаб бекор қилинди. Лашкар тарқатиб юборилди.

386-машқ. Шеърни кўчиринг. Бўлишли ва бўлишсиз феълларнинг тагига чизинг.

ЎРГАНДИМ

Мен сузишни ўргандим,
Мушкул ишни ўргандим,
Энди сувга ботмайман,
Ботсам ҳам тинч ётмайман.

(Т. Йўлдош)

387-машқ. Топишмоқдаги нукталар ўрнини тўлдириб кўчиринг.

Бир уйим бор ойна...,
Ҳамма учун фойда... .
Истасангиз кирасиз,
Қишда ёзни кўрасиз.

Нукталар ўрнига қандай қўшимча қўйдингиз?

388-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ўзагини аниқланг.

Олимларимиз жуда ажойиб нарсалар ўйлаб топмоқдалар. **Ойга** сунъий йўлдош учирилди. Бу асбоб ойдаги нарсаларни **суратга** олади. Олимлар шу **расмларга** қараб, ўрганмоқдалар.

389-машқ. Нукталар ўрнига сўз ўзгартувчи қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг.

Мана, ўқув йилининг охириги дарси... ўтирибмиз. Ўқитувчимизнинг ҳар бир гапи... назардан чет... колдирмасликка ҳаракат қиламиз. Чунки бу гаплар биз... ёз бўйи жуда керак бўлади.

А

адолат
адаш
азобла
аввал
аломат
арава
арпа
аср
асос
атиргул

Б

барбод
бардош
баргак
барра
бахт
бажжол
баъзан
бечора
беғубор
бой

В

вақт
виждон
воқеа
вулкон
воя
восита

вой-вой
воҳ
вижилламоқ
вилоят
водий

Г

гавда
гавжум
гала
гап
гиёҳ
гилам
грамм
гоҳи
гувилламоқ
гулдаста

Д

давлат
даво
давра
дарвоза
дарё
дархакиқат
даъво
даҳшат
деҳқон
доира

Е
ел
елим
елпифич
енгил
етаклади
етмиш
ечмоқ
етук
етти
енгмоқ
етакчи

Ё
ёв
ёввойи
ёввош
ёзги
ёзув
ёйик
ёлғиз
ёмғир
ёник
ёруғ

Ж
жавоб
жабр
жазо
жавоҳир
жамоа
жангчи
жанжал

жаҳл
жасорат
жиддий

З
завқ
завод
замон
занжир
зарурат
заҳар
зилзила
зинапоя
зулм
зўр
зуҳра

И
ибора
игна
идиш
идрок
ижод
иззат
изфирин
илгари
илк
илм
исбот

Й
йил
йиғим

йўл
йўлланма
йўклама
йўрға
йўтал
йўғон
йўкот
йўловчи

К
кайфият
каклик
какку
калла
калта

Л
латифа
латта
лола
лулма
лутфан
луғат
лўли
лўппи
лўнда

М
махаллий
мавж
маблағ
маданият
мавжуд
мазах

майдон
мактуб
маълум
Маъруф

Н
наҳор
нерв
нидо
нисбат
номард
ночор
нотўғри
нотинч
ноҳак
нутк
нукта

О
обод
обрў
овоз
овчи
огоҳ
одамзод
оёқ
озик
олам
омад

П
панд
панжара

парвона
паришон
парк
паст
пахмок
пахта
пахтазор
пачак

Р

расм
ранг
раста
рахм
режа
ривоят
ром
руҳ
рўза
рўйхат

С

савдо
савлат
савол
саёз
сайр
салом
салкин
саодат
сарф
саъва

Т

табассум
табиат
таклиф
тарбия
тартиб
тахт
тахта
таянч
текис
тинч

У

узоқ
узра
уйғоқ
улуғ
учкун
ушок
уюшма
уюм-уюм
учун
учувчи

Ф

фахрланмоқ
февраль
фёъл
фикр
фойдали
фурсат

Х

хавотир
хабар
хазина
хаёл
хавфли
хазон
харсанг
хархаша
хат
хашак

Ц

цирк
цикуль
центнер
цех
циркчи

Ч

чаён
чайла
чанг
чаман
чангал
чапак
чарх
чарос
чакмок
чолғу
чучмома

Ш

шабада
шамол
шараф
шахс
шаҳар
шикоят
шингил
шифокор
шўх
шўрлик

Э

эгри
эзмок
экинзор
эшик
эътибор
эҳтиёж
эълон
эчки
эшитмок

Ю

юбка
юбормок
ювмок
ювош
юз
югур
юклама
юкори

ютук
юкмок

Я
яйрамоқ
ягона
якка
ялла
ялқов
янги
япроқ
яхши
яшар
яқинда

Ў
ўжар
ўзаро
ўзмок
ўйин
ўлим
ўрамоқ
ўрик
ўринли
ўроқ
ўсмоқ

Қ
қават
қадам
қадим
қадрдон
қайиқ

қарға
қаср
қаттик
қатъий
қахр

Ғ
ғазал
ғазаб
ғирчилламоқ
ғубор
ғоя
ғоят
ғувулламоқ
ғўза
ғўра

Ҳ
хавас
ҳакка
ҳикоя
хилол
ҳосил
худуд

I. Гап бўлими юзасидан такрорлаш

1. Нуқталар ўрнига «а» ҳарфи қўйиладиган сўзлар қаторини белгилаш

- А. х...роз, ш...лғом
- Б. х...шарот, м...қсад
- В. л...вия, к...рам

2. Нуқталар ўрнига «о» ҳарфи қўйиладиган сўзлар қаторини белгилаш

- А. ...кувчи, б...дринг
- Б. к...нғирок, ...мғир
- В. с...ат, расс...м

3. Нуқталар ўрнига «х» ҳарфи қўйиладиган сўзлар қаторини белгилаш

- А. ...алиқ, ...урсанд
- Б. ба...ор, бе...и
- В. ...ўроз, ...ат

4. Нуқталар ўрнига «х» ҳарфи қўйиладиган сўзлар қаторини белгилаш

- А. дара...т, бе...и
- Б. шифоба...ш, ол...ўри
- В. ...андалак, ...икоя

5. Айтилишда тушиб қоладиган ундошли сўзлар қаторини белгилаш

- А. гўш..., гиш...
- Б. шаҳа..., гўза...
- В. хурсан..., тово...

6. Гап нималардан тузилади

- А. сўзлардан
- Б. гаплардан
- В. бўғинлардан

7. Сўзлар қандай сўроққа жавоб бўлади?

- А. ким? нима?
- Б. қандай? қанақа?
- В. нима қилди? нима қилади? нима қиляпти?
- Г. ҳамма жавоблар тўғри

8. Шахс ва нарса белгисини ифодаловчи сўзлар қаторини белгиланг

- А. куради, ясайди
- Б. кулранг, аъло
- В. дорихона, шеър

9. Шахс ва нарсани билдирувчи сўзлар қаторини белгиланг

- А. чойнак, ота, гул
- Б. кулгили, чиройли, катта
- В. югуради, йиғлайди, боғлайди

10. Шахс ва нарса ҳаракатини ифодаловчи сўзлар қаторини белгиланг

- А. шеър, китоб, лола
- Б. даволайди, ўқитади, ёзади
- В. корли, гулли, гўзал

11. Гап қондасини аниқланг

- А. Гап тугалланган мазмун англатади
- Б. Предмет номини билдирган сўзлар
- В. Қарама-қарши маъноли сўзлар

12. Гап иштирок этган қаторини аниқланг

- А. Икки табақали
- Б. Куз фасли келди
- В. Гул, боғ, расм, шафтоли

13. Дарак гапни аниқланг

- А. Бугун мактабга борасанми?
- Б. Эҳ, куз фасли қандай мазза!
- В. Даврон гулзорда гул терди.

14. Сўроқ гапни аниқланг

- А. Ҳилола китоб ўқиди
- Б. Наргиза, сен пахтани тер
- В. – Ака, нега очикда сичқон яйраб юролмас

15. Буйруқ гапни аниқланг

- А. Қани, Дўсматов, тур ўрнингдан
- Б. Ҳалима иккинчи синфда ўқийди
- В. Бобур, китоб ўқидингми

16. Ундов гапни аниқланг

- А. – Демак, менинг гапим ёлғон
- Б. Яшасин, жонажон Ватанимиз
- В. Бир уйга ўт кетибди

17. Гап бўлаги қондасини аниқланг

А. Гап тугалланган мазмунни билдиради.

Б. Гапда бирор сўроқка жавоб бўлган сўз ёки сўз

бирикмаси гап бўлаги дейилади.

18. Бош бўлақлар қайси қаторда тўғри аниқланган?

А. Нигора дарс тайёрлади.

Б. Нигора дарс тайёрлади.

19. Иккинчи даражали бўлак тўғри аниқланган қаторни белгиланг

- А. Зарифа қизиқарли китоб ўқиди.
- Б. Зарифа қизиқарли китоб ўқиди.
- В. Зарифа қизиқарли китоб ўқиди.

II. Лексика бўлими юзасидан такрорлаш

1. Омоним қондасини аниқланг

- А. Талаффузи ва ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил.
- Б. Шакли ҳар хил бўлса ҳам, маъноси бир-бирига яқин сўзлар.
- В. Қарама-қарши маъноли сўзлар.

2. Синонимик қаторини аниқланг

- А. катта - кичик
- Б. ош, овқат, таом
- В. кул, чанг, тортди

3. Омоним бўла оладиган сўзларни аниқланг

- А. юз, бет, афт, башара
- Б. баланд - паст
- В. тер, қўй

4. Антоним сўзларни аниқланг

- А. олма, чакмоқ, кир
- Б. орзу, ҳавас
- В. дўст - душман, яхши - ёмон

5. Омоним сўзлар ёзилган қаторини аниқланг

- А. тер, қўй, уч, кир
- Б. ош, овқат, таом
- В. кўп-оз, йиғлади-кулди

6. Синоним сўзлар ёзилган қаторини аниқланг

- А. тут, олма, қўй
- Б. юз, бет, афт, башара
- В. баланд-паст

7. Антоним сўзлар ёзилган қаторини аниқланг

- А. катта-кичик
- Б. буюк, катта, улкан
- В. тер, уч, тут

8. Қуйидаги сифатларга антонимлар таиланг

- | | |
|---------|--------|
| кўркоқ- | ишчан- |
| айёр- | яхши- |
| иссиқ- | рост- |
| эски- | эгри- |
| ялков- | мард- |

III. Сўз туркуми юзасидан такрорлаш

1. От сўз туркумининг сўроқларини белгилаи

- А. ким?, кимлар?, нима?, нималар?
- Б. нима қилди?, нима қиляпти?
- В. қандай?, қанақа?

2. Сифат сўз туркумига кирадиган сўзлар қаторини белгилаи.

- А. гулли, ёкимли, гўзал
- Б. ҳосил, мева, дона
- В. ювди, ёзди, ўқиди

3. Гаида нечта феъл борлигини аниқлаи

Ризамат ота токни қирқади, озиклантиради, парваришлайди ва мўл ҳосил олади.

- А. 3 та
- Б. 7 та
- В. 4 та

4. Гапда нечта сифат борлигини аниқланг

Ранг-баранг капалаклар, сарик, қора, қизғиш асаларишлар хушбўй атиргуллар атрофида парвона бўла бошладилар.

- А. 3 та
- Б. 6 та
- В. 5 та

5. Бўлишсиз феъллар ёзилган қаторини белгиланг

- А. еди, ёзди, ухлади
- Б. кулмади, ўқимади, келмади
- В. боғбон, кулди, ёғди

6. Предмет номини билдирган сўзларни аниқланг

- А. катта, баланд, чиройли
- Б. келди, борди, кулди
- В. олма, узум, гул
- Г. нок, қизил, ўқийди

7. Ҳаракатни билдирган сўзларни аниқланг

- А. узук, бармоқ, китоб
- Б. шафтоли, кўк, югурди
- В. ўзди, ўчирди, ёнди
- Г. Гулли, мазмунли, қизиқарли

8. Предмет белгисини билдирган сўзларни аниқланг

- А. лола, қуёш, тулки
- Б. қизил, малакали, сарик
- В. кетмоқда, гуллади, олди
- Г. мактаб, гулчи, сифатли

9. Сифат қондасини аниқланг

- А. Предмет номини билдирган сўзлар
- Б. Предмет ҳаракатини билдирган сўзлар
- В. Предмет белгисини билдирган сўзлар

10. Берилган сўзлар қайси сўз туркумига киради?

Гулли, янги, мароқли, қизиқарли, фойдали.

- А. от
- Б. сифат
- В. сон
- Г. феъл

11. Сон қондасини аниқланг

- А. Предмет белгисини билдиради
- Б. Предмет ҳаракатини билдиради
- В. Предмет саногини билдиради
- Г. Предмет номини билдиради

12. Бу саволлар қайси сўз туркумига тегишли?

Нима қилди? Нима қилмоқчи?

- А. от
- Б. сон
- В. феъл
- Г. сифат

13. Сифат гапнинг қайси бўлаги вазифасида келади?

- А. Бош бўлак (эга кесим)
- Б. Иккинчи даражали бўлак

14. Феъл қондасини аниқланг

- А. Гап тугалланган мазмунни билдиради
- Б. Предмет белгисини билдиради
- В. Предмет ҳаракатини билдиради

15. Бўлишли феъл қаторини аниқланг

- А. борди, бормади, ўкиди
- Б. кулди, гуллади, терди
- В. боқмади, даволамади

16. Бўлишсиз феъл қаторини аниқланг

- А. гулли, мевали, кўрқок
- Б. мевасиз, бармоқсиз, безалмади
- В. келмади, ўқимади, бормади

17. Сон қатнашган қаторини аниқланг

- А. китоб, дафтар, мақол
- Б. 4 та бола, 3-синф, 22-мактаб
- В. гулчи, от, қизил, оқ

IV. Сўз таркиби юзасидан такрорлаш

1. Тўғри жавобни танланг

Ўзак бу...

- А. Сўзларни бир-бирига боғлайди
- Б. Сўзларнинг умумий қисми
- В. Янги сўз ҳосил қилади

2. Сўз ясовчи қўшимчалар бор сўзлар қаторини белгиланг

- А. ўртоғимга, дўстимга
- Б. санъаткор, ўқитувчи
- В. гулли, тузсиз

3. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар бор сўзлар қаторини белгиланг

- А. бувимга, дадамда, китобдан, укамнинг, акамни
- Б. гулчи, нонвой, мевазор
- В. ухлади, еди, кетди

4. Нуқталар ўрнига берилган қўшимчалардан мосини танланг

Ҳозирги кун..., қозоқ..., олти юз... ортиқ тури бор

- А. да, нинг, дан
- Б. чи, ла, ли
- В. чи, нинг, ни

5. Сўз қисмларидан қайси бири иштирок этмаса, сўз ҳосил бўлмайди?

- А. Сўз ясовчи қўшимча
- Б. Сўз ўзгартувчи қўшимча
- В. Ўзак

6. Ўзак ва сўз ясовчи қўшимчалардан иборат сўзлар қаторини белгиланг

- А. Ферузанинг, синфдан
- Б. тенгдош, дўстимдан
- В. гулчи, навбатчи

7. Ўзак ва сўз ўзгартувчи қўшимчалардан иборат сўзлар қаторини белгиланг

- А. осмонда, кузнинг
- Б. мактабдош, навбатчи
- В. бахтли, саёхатнинг

8. Янги сўзлар ясайдиган қўшимчалар қаторини белгиланг

- А. -нинг, -ни, -га, -да, -дан
- Б. -чи, -ла, -ли, -сиз
- В. -дан, -лар, -сиз, кор

9. Сўзларга мос схемани танланг

- 1) шовкин
- 2) қаҳрамонни

А. ^ ^

Б. ^ □

В. ^ ^ □

А. ^ ^

Б. ^ □

В. ^ ^ □

10. Фақат ўзак қатнашган сўзлар қаторини белгиланг

А. ёзувчи, режали, ўқитувчи

Б. бекат, ёв, сув

В. гулни, дарахтдан, ёмғир

11. Схемага мос сўзларни танланг

1) ^ ^ □

А. кўчадан

Б. тантанали

В. балиқчига

2) ^ ^

А. укамда

Б. сувсиз

В. китобдан

12. Ўзакдош сўзларни аниқланг

А. олти, ўқувчи, сентябрь

Б. ов, овчи, овла

В. овқат, мушук, тотув

13. Сўз ясовчи қўшимчалар бор қаторини аниқланг

А. гулнинг, узукни, Ўктамга

Б. овчи, овла, сувчи, гулли

В. пахта, кунт, заргар

14. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар бор қаторини аниқланг

А. сочи, қотди, тулпор

Б. даштга, бошда, гулнинг, отдан

В. ишчи, темирчи, овчи

МУНДАРИЖА

Нутк, гап, сўз	4
Утли товушлар	11
Ундош товушлар	14
Гап	17
Гапнинг мақсадга кўра турлари	22
Дарак гап	22
Сўрок гап	24
Буйрук гап	28
Ундов гап	31
Гап бўлаклари.....	34

ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИ

Эга ва кесим	36
Эга	36
Кесим	38
Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари.....	42
Тўлдирувчи.....	45
Аинқловчи.....	46
Ҳол.....	47

СЎЗ ТАРКИБИ

Ўзак.....	48
Лексика (сўз маъноси).....	63
Омоним сўзлар	63
Синоним сўзлар.....	66
Антоним сўзлар.....	72
Сўз туркумлари.....	76
От	80
Отларда birlik ва кўплик	86
Сифат	88
Феъл	96
Бўлишли ва бўлишсиз феъллар.....	99
Сон.....	105
Ўқув йили давомида ўтилганларни такрорлаш	111
Лугат	119
Билимингизни синаб кўринг	125

Парида Кадырова, Дилорам Сайдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ

Жалпы билим берүүчү мектептин 3-классы үчүн окуу китеби
(өзбек тилинде)

Парида Қодирова, Дилорам Сайдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик

Бош муҳаррир

А. Ғрипбоев

Техник муҳаррир

М. Аҳмедов

Саҳифаловчи

М. Тишабаева

Корректор

С. Набиева

Рассом

А. Жэмбаев

Босмахонага 15.12.2013й. берилди. Боснишга рухсат этилди 27.12.2013й. Формат 70x100 1/16.
Ҳажми 8,5 босма тобок. Uzb_Times New Roman гарнитураси. 9700 нусхада. Булоргма №1001.

«KIRLand» ЖЧК

720083, Киргиз Республикаси, Бишкек ш., Аламедин-1 к/р., 75

E-mail: kirland@infotel.kg

